Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● 11 июль 1969 йил, жума ● № 160 (14.323). ● Баҳоси 2 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕПУТАТ А. П. ЛЯШКОНИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети қарор қилади:

Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси депутат Александр Павлович **Ляшко** СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб сайлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1969 йил 10 июль.

ПАХТАКОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Қардош республикаларнинг ўзаро текшириш бригадалари пахтаорлар қандай аҳволда эканлигини текширгани, ўз тажрибалари билан ўртоқлашгани Ўзбекистонга келдилар.

10 июлда Озарбайжон ССРдан бригада келди. Унга Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири М. Р. Мамедов бошчилик қилмоқда. Ўзаро текшириш бригадаси Тошкент, Сирдарё ва Самарқанд областларидаги ғўзанинг аҳволи билан танишади.

Худди шу куни Туркманистондан ҳам бригада келди. Унга республика қишлоқ хўжалиги министри К. Саҳатмуродов бошчилик қилмоқда. Туркманистонлик дўстлар Бухоро ва Хоразм областларида, Қорақалпоғистон Автоном республикасида бўладилар.

Тожикистон пахтакорлари Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона ва Наманган областларига келдилар. Тожикистон ССР қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари Б. Шамсутдинов бригадага бошчилик қилмоқда.

Ўзбекистондан ҳам ўзаро текшириш бригадаси Тожикистонга жўнаб кетди. Бу бригадага республика қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари О. Ҳаюмов бошчилик қилмоқда. (ЎзТАГ).

ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛИЗМ УЧУН КУРАШДА УЛУҒ КУЧ

ЕТТИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДА

Жаҳон халқлари Ватанимиз ва бутун прогрессив инсоният тарихидаги шонли сана — Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини тантанали вазиятда нишонлашга тайёрланмоқдалар. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари бу санани муносиб кутиб олиш учун, коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини амалга ошириш учун фидокорона курашмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашининг якунлари, КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил июнь Пленуми қарорлари сиёсий активлик ғоят ўсган бир вазиятда муҳокама қилинмоқда. Совет кишилари халқаро форумда қабул қилинган ҳужжатларни, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг жаҳон коммунистик ҳаракати жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсий йўли ва амалий фаолиятини, партиямиз делегациясининг Кенгашдаги ишларини бутунича ва тўла равишда маъқулламоқдалар.

10 июлда Москвада, Катта Кремль Саройида еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси очилди. Депутатлар бутун мамлакатнинг манфаатига тааллуқли масалаларни муҳокама қилиш, муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган қонунларни қабул қилиш учун бу ерга тўпланишди.

Эрталаб соат 10 да Иттифоқ Советининг Раиси депутат И. В. Спиридонов раислигида **Иттифоқ Советининг** мажлиси бўлди. Мажлис қатнашчилари марҳум депутатлар Л. Р. Корниец ва В. А. Пеньковский хотираларини ҳурмат билан эсга олдилар.

Эрталаб соат 11 да Катта Кремль Саройида **Миллатлар Советининг** ҳам мажлиси бошланди. Мажлисга Миллатлар Совети Раиси депутат Ю. И. Палецкис раислик қилди. Мажлис қатнашчилари Миллатлар Советининг марҳум депутатлари Д. С. Коротченко, В. Ф. Купревич, А. А. Посконов хотираларини ҳурмат билан эсга олдилар. Сўнгра Миллатлар Советининг кетиб қолган депутатлар ўрнига янгитдан сайланган депутатларнинг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисида мандат комиссиясининг доклади тингланди.

Ҳар иккала палатанинг мажлисларида сессиянинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланди.

1. Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари.

2. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунлари асослари; дастбабки қамоқ тўғрисидаги Низом; ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари асосларига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш.

Кундуз соат 12 да еттинчи чақириқ СССР Олий Совети Олтинчи сессиясида **Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг** қўшма мажлиси очилди.

Залда пойтахт ва область меҳнаткашларининг вакиллари ва меҳмонлар ҳозир бўлдилар. Ложаларда чет эл дипломатлари, совет ва чет эл мухбирлари ўтирибдилар.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. Н. Косыгин, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, П. М. Машеров, В. П. Мжаванадзе, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов, В. В. Щербицкий, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н Пономарев, **М. С. Соломенцев** ўртоқлар президиумга чиққанларида залдагилар уларни самимий кутиб олдилар.

Мажлисга СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси депутат Ю. И. Палецкис раислик қилди.

Сессия иштирокчилари СССР Олий Советининг шу мажлисда қатнашаётган меҳмонларини — Камерун Федератив Республикаси федерал миллат мажлисининг Раиси Марсель Марнго Мбуа бошчилигидаги шу мамлакат делегациясини ва Колумбия Республикаси Конгресси сенатининг Раиси Марио С. Вивас бошчилигидаги конгресс делегациясини табриклдилар.

Украина ССРдан СССР Олий Советига депутатлар номидан сўзга чиққан депутат П. Е. Шелестнинг таклифига биноан, СССР Олий Совети Олий Совет Президиуми Раисининг ўринбосари қилиб Украина ССР Олий Совети Президиуми раиси депутат **А. П. Ляшкони** сайлади. Шу муносабат билан Иттифоқ Совети депутат А. П. Ляшкони Иттифоқ Советининг саноат, транспорт ва алоқа бўйича комиссияси раислиги вазифасидан озод қилди ва шу комиссиянинг раиси қилиб депутат Г. И. Вашченкони сайлади.

«Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари» тўғрисида СССР ташқи ишлар министри депутат **А. А. Громико** доклад қилди.

10 июль кундуз соат 4 да Москвада, Катта Кремль Саройида, еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессиясида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлиси очилди.

Депутатлар «Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи ва ташқи сиёсати масалалари» тўғрисида СССР ташқи ишлар министри депутат А. А. Громико докладини муҳокама қилишга киришдилар.

РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **А. М. Школьников** ва Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари депутат **Ф. Д. Овчаренко** музокараларда биринчи бўлиб сўзга чиқдилар. (ТАСС).

МОСКВА. 1969 йил 10 июлда Катта Кремль Саройида еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг Олтинчи сессияси ўз ишини бошлади. Суратда: мажлислар залида.
В. Савостьянов ва А. Стужин фотоси, (ТАСС — ЎзТАГ фотохроникаси).

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ХАЛҚАРО АҲВОЛИ ВА ТАШҚИ СИЁСАТИ МАСАЛАЛАРИ

СССР ташқи ишлар министри депутат А. А. ГРОМИКО доклади

Депутат ўртоқлар!

Партиямиз, Совет ҳукумати ва СССР Олий Совети халқаро аҳволга ва ташқи сиёсат масалаларига ҳамиша жуда катта эътибор бериб келдилар. Бунинг сабаби ҳам маълум, чунки ташқи шароитлар мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш соҳасидаги улкан вазифаларнинг ҳал қилинишига бевосита таъсир ўтказмоқда.

Дунёдаги ҳозирги аҳвол, шу муносабат билан совет ташқи сиёсати олдида турган вазифалар коммунистик ва ишчи партияларнинг ўтган ойда Москвада бўлиб ўтган халқаро Кенгашида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладда чуқур таҳлил этиб берилди. Кенгаш якунлари, унда қабул қилинган ҳужжатлар халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати йилномасигагина эмас, умуман тарихга ҳам ёрқин саҳифа бўлиб киради, чунки Кенгаш якунлари ва унда қабул қилинган ҳужжатлар халқларнинг озодлик учун, мустақиллик учун, тинчлик учун олиб бораётган курашида янги муҳим босқичга бошлаб берди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорида, партия активларининг йиғилишларида ва меҳнаткашларнинг мажлисларида КПСС делегациясининг Кенгашдаги фаолиятига берилган юксак баҳо шундан далолат берадики, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлигининг В. И. Ленин васият қилган принциплари Совет давлатининг ташқи сиёсат соҳасидаги бутун фаолиятига негиз қилиб олинган бўлиб, бу принципларни халқимиз бажонидил қўллаб-қувватламоқда.

КПСС XXIII съезди қарорларида ҳозирги босқичдаги ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишлари ва вазифалари белгилаб берилган.

СССРнинг ташқи сиёсати бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда социализм ва коммунизм қуриш учун қулай халқаро шароитларни таъминлашни ўзига мақсад қилиб олган.

Совет ташқи сиёсати социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини, уларнинг дўстлигини мустаҳкамлашни ўз вазифаси деб билади.

СССРнинг ташқи сиёсати миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга ва ривожланаётган ёш давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга қаратилган.

Совет ташқи сиёсати давлатларнинг ижтимоий тузумидан қатъий назар уларнинг тинч-тотув яшаш принципини изчиллик билан қатъиқ туриб ҳимоя қилмоқда, инсониятни янги жаҳон урушидан омон сақлашга ҳаракат қилмоқда.

Шу сабабли табиийдирки, катта жаҳон давлати сифатида кенг ривожланган халқаро алоқаларга эга бўлган Совет Иттифоқи территория жиҳатидан, эҳтимолки, ирокда бўлса ҳам, лекин бизнинг хавфсизлигимизга, шунингдек дўстларимизнинг хавфсизлигига дахлдор бўлган воқеаларга ҳам пассивлик билан қарай олмайди. Совет давлатининг юксак обрўйи ва қудрати тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашишга, халқаро кескинликни чигаллаштириш ва агрессия сиёсатига ва бу сиёсат тинчликка хавф солаётган ҳамма жойларда унга зарба бериш ишига самарали хизмат қилиши лозим. Совет халқи олдидаги масъулият, интернационал бурчимиз бизнинг зиммамизга ана шундай вазифани юклайди.

Мамлакатимизнинг дунёдаги ишларга таъсири йил сайин, айтиш мумкинки, кун сайин муттасил ошиб бормоқда.

Совет Иттифоқи қардош социалистик мамлакатлар билан бир сафда бормоқда. Уларнинг ташқи сиёсати бизнинг сиёсатимизга хос бўлган табиатга эга бўлиб, айни бир хил мақсадларни кўзлайди.

Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги халқаро майдонда ҳозир жуда катта куч бўлиб қолди. Таъсир ва қудратга эга бўлган ана шу забардаст организмнинг ҳатто энг кичик ҳаракати ҳам, ҳатто унинг уруш ва тинчлик масалалари хусусидаги сўзи ҳам жуда катта аҳамият касб қилмоқда. Дунёдаги ҳамма пойтахтлар шу сўзни эътибор билан тинглаб, зарур хулосалар чиқариб олмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳаракатлари муҳим оқибатларга сабаб бўлишини улар яхши билишади. Дунёдаги дўстларимиз бизни олқишлаб, ўзларини тағин ҳам дадилроқ тутмоқдалар. Душманларимизнинг тинчликка қарши ва социализмга қарши ҳаракат қилаётганларнинг эса ташвиши ортмоқда, гоҳо боши ҳам қотиб қолмоқда, бунинг учун биз жавобгар бўла олмаймиз, албатта.

Социалистик ҳамдўстликни ташкил этган мамлакатлар янги жаҳон урушини бошлаб юборишга қарши қудратли тўсиқ бўлиб турибдилар. Улар ўзларининг актив ташқи сиёсати билан милитаризм ва агрессия урушларига қаршилик кўрсатмоқдалар. Улар халқаро кескинликни юмшатишга, сиёсатдаги агрессив йўлга қарши курашишга қаратилган конкрет ишлари ва таклифларч билан тинчлик учун курашаётган кенг халқаро фронтни тағин ҳам мустаҳкамламоқдалар.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари тинимсиз кучгайрат сарфламаганларида эди, жаҳонга йирик капиталистик мамлакатлар зўрлик билан қабул қилдирган хатарли қуролланиш сиёсати тағин ҳам қучайиб кетган бўлур эди.

Социалистик давлатларнинг салмоғи, уларнинг катта ва кичик ҳамма халқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг мустақиллигини ҳимоя қилишга қаратилган фаолияти бўлмаганида эди, — Осиё, Африкадаги ва дунёнинг бошқа қисмларидаги неча-неча мамлакатлар империалистик бедодлик қурбони бўлган бўлур эди. Буни уларнинг кўпчилиги ўзлари эътироф этмоқдалар.

Ҳамдўстлик давлатларининг ўз ўрталаридаги муносабатлар — уларнинг ижтимоий тузуми табиатидан келиб чиқувчи янги типдаги муносабатлардир. Бу муносабатлар ички ривожланиш, ғоявий муштараклик соҳасидаги ягона мақсад билангина эмас, уларнинг ташқи сиёсатидаги муштарак вазифалар билан ҳам белгиланади.

Партия, давлат, жамоат ишларининг ҳамма соҳаларида ҳамдўстлик мамлакатлари ўз тажрибасини баҳам кўриб, уни ўзаро тўлдириб ва ривожлантириб бормоқдалар.

Интернационал бирдамлик, социалистик мамлакатларнинг яқин иттифоқи — тинчлик ва социализм учун курашда жуда катта кучдир. Партиямиз билан мамлакатимиз раҳбарларининг бошқа қардош партиялар ва мамлакатлар раҳбарлари билан доимий ўзаро алоқаси натижасида, социалистик қурилиш ва ташқи сиёсатнинг ва шунингдек кўп қиррали ва ҳар томонлама алоқаларимиз соҳасидаги актуал масалалар юзасидан улар билан фикрлашиб туриш натижасида вужудга келадиган коллектив тажриба ана шу кучнинг манбаларидан биридир.

Совет партия-ҳукумат делегацияларининг қардош мамлакатларга қилаётган визитлари, шу мамлакатлар партия-ҳукумат делегацияларининг Совет Иттифоқига қилаётган визитлари социалистик ҳамдўстлик халқлари дўстлигининг ёрқин ва тўлқинлантирувчи намойишига айланиб кетмоқда.

Социалистик ҳамдўстликдаги айрим давлатлар ўртасида мавжуд бўлган баъзи нуқсонларни душманларимиз бўрттириб кўрсатишни яхши кўришади. Лекин шу мамлакатларда ҳоқимият тепасида турган партиялар ва уларнинг ҳукуматлари четдаги бирор кимсага қараганда бу ҳақда ўзлари тузукроқ фикр юритишга қодирлар. Социалистик давлатлар ўз муносабатларидаги камчиликларни тўгата бориб, бу муносабатларни тағин ҳам мустаҳкамламоқдалар, шу муносабатларни тағин ҳам кўпроқ такомиллаштириб, ўз йўлларидан комил ишонч билан олга бормоқдалар.

Варшава Шартномасидаги мамлакатлар ҳамдўстликда алоҳида роль ўйнамоқдалар. Шу шартнома юзасидан ва шунингдек мавжуд икки томонлама давлат шартномалари юзасидан олинган ўзаро мажбуриятлар социалистик мамлакатларнинг дунёдаги, шу жумладан Европа ишларидаги нуфузини тағин ҳам кучайтирди.

Ҳарбий гуруҳларни биз ўйлаб чиқарганимиз йўқ. Ғарбдаги йирик давлатлар, урушдаги собиқ иттифоқчиларимиз ана шу гуруҳларни тузиш йўлига тушиб олдилар. Дунёни ҳарбий блокларга бўлиб юбориш халқаро хавфсизликни мустаҳкамламайди, балки бу хавфсизликка путур етказади, деб Совет Иттифоқи шу давлатларни неча бор огоҳлантириб келди. Ғарбда дунёдаги аҳволга сергаклик билан баҳо бериш эмас, балки социализмга адоват, экспансияга интилиш устунлик қилди. Варшава Шартномаси ташкилоти Ғарб мамлакатларининг ана шундай сиёсатига ва ҳаракатларига, аввало агрессив Шимолий Атлантика иттифоқининг тузилишига бизнинг жавобимиз бўлди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ўз фаолиятини тобора такомиллаштириб бораётган ана шу мудофаа ташкилотини тузиш билан тўғри иш қилганликларини тажриба кўрсатди. Сиёсий маслаҳат комитетининг шу йил март ойида Будапештда қабул қилган қарори Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ҳарбий мудофаа механизмини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди. Варшава Шартномаси ташкилотининг баҳодирона қудрати Европада тинчлик ва хавфсизлик ишига хизмат қилдирилмоқда. Лекин дахлдор кимсаларнинг ҳаммаси шуни билиб қўйсинларки, бу ташкилот ўз қатнашчиларининг хавфсизлигига, шу мамлакатлардаги социализм ғалабаларига ҳеч қачон ва ҳеч кимнинг таҳдиди қилишига йўл қўймайди.

Социалистик мамлакатлар давлатларнинг тўла суверенитетини эмас, балки қандайдир кемтик суверенитетини ҳимоя қиладилар, деган ўйдирма гапларни кескин рад қилиш лозим. Бу гап улар-нинг шаънига тўқилган туҳматдан бўлак нарса эмас. Халқнинг ўзи танлаб олган йўлни пинҳона ва ошкора ҳар қандай ҳамлаларга қарши, уни шу йўлдан тойдиришга, унинг социализм йўлидаги ғалабаларини йўққа чиқаришга қаратилган ҳамлаларга қарши пировардигача ҳимоя қилиш ҳуқуқидан иборат суверенитет тушунчасининг бундан ҳам тўлиқ мазмуни бўлиши мумкин эмас. Бу халқни ўзининг интернационал бурчига ва шартнома мажбуриятларига содиқ бўлган дўстлари ёрдамига таяниш ҳуқуқидан ҳеч ким маҳрум қила олмайди, унинг дўстларини эса, шу халққа ёрдам бериш ҳуқуқидан ҳеч ким маҳрум эта олмайди.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги сиёсий муносабатларгина тобора пухта бўлиб қолмасдан, иқтисодий муносабатлар ҳам тобора мазмунли ва кўп қиррали бўлиб бормоқда. Бу мамлакатлар ўз тараққиёти учун жуда катта ресурслар ва имкониятларга эга эканликларини исботладилар. Савдо, фан-техника, маданият ҳамда шу мамлакатларнинг ҳаёти ва фаолиятининг бошқа соҳаларидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан тузилган жуда кўп шартномалар ва битимлар ана шундан далолат бериб турибди.

Шу муносабат билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида қабул қилинган ҳамда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида қатнашувчи давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини янги босқичга кўтарадиган қарорларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Бу қарорлар социалистик экономика, социалистик ижтимоий тузум замирида мавжуд бўлган имкониятлардан тағин ҳам тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Совет Иттифоқи қабул қилинган қарорлар асосида қардош мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш йўлини бундан бўён ҳам давом эттираверади ҳамда ана шу қарорлардан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажараверади.

Социалистик давлатларнинг ҳамдўстлиги — шу ҳамдўстликка кирувчи мамлакатлар халқларининггина эмас, шу билан бирга бутун дунё меҳнаткашларининг ҳам тарихий ғалабасидир. Бинобарин, ҳозир тинчлик ва социализм учун курашда шу ҳамдўстликни мустаҳкамлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. КПСС ва Совет ҳукумати ҳамдўстликни янада мустаҳкамлаш ишидаги ўзининг иттифоқчилик ва интернационал бурчини бажармоқ учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўрадилар.

Бизнинг партиямиз билан ҳукуматимиз Польша Халқ Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Руминия Социалистик Республикаси, Монголия Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси билан муносабатларни ва қардошларча ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун ҳамма ишларни қилади.

Ана шу социалистик мамлакатлар оиласида узоқ ва айни вақтда яқин мамлакат Куба ҳам бор. Совет Иттифоқи Куба халқининг тараққиёти ва манфаатларига қарши бардам туришда Куба Республикасига ёрдам бермоқ учун лозим бўлган ишларнинг ҳаммасини қилмоқда. Куба билан дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга

(Давоми иккинчи бетда).

ДЕПУТАТ А. А. ГРОМИКО ДОКЛАДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

биз муҳим аҳамият бермоқдамиз, бинобарин, Карибдингизи районида довюрак халқ кўтарган озодлик ва мустақиллик байроғи магрур ҳилпираб турганлигини халқимиз доимо эсда тутади.

Социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида гапирганда, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Совет Иттифоқи социалистик Югославия билан муносабатлар ғарчи ҳамиша ҳам бир текис давом этмаётган бўлсада, ленин шу муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор беради. Биз шунга аминмизки, СССР ва Югославия халқларининг социализм идеалларига берилганлиги, алоқалар ва муносабатларни кенгайтиришдан ҳар иккала томоннинг манфаатдорлиги Совет — Югославия муносабатларини янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратиб беради ва биз ана шуниг тарафдоримиз.

Бизнинг мамлакатимиз халқаро майдондаги ишларини амалга оширганда кўпдан-кўп муҳим проблемаларнинг тинчлик манфаатлари йўлида ҳал қилинмоғи учун ўзининг бутун нуфузидан фойдаланмоқда. Совет Иттифоқи тинчлик учун курашар экан, янги жаҳон урушининг бошланиши хавфига бошқа давлатларнинг эътиборини доимо жалб қилиб келмоқда. Ана шу хавфга қарши кураш, халқаро хавфсизлик учун кураш ҳозир ниҳоятда ўткир вазифа бўлиб турибди.

Бу курашда Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқдошлари сиёсатда агрессив йўл ўтказаётган доиралар вужудга келтираётган минг-минглаб тўсиқларни бартараф қилишга мажбур бўлмоқдалар. Лекин тинчлик учун курашнинг мураккаблиги ва қийинлиги мамлакатимизнинг ва дўстларимизнинг тинчлик кучлари олдинги сафида комил ишонч билан бориш, агрессия кучларига зарба бериш йўлидаги азмн қарорини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамламоқда. Бизнинг халқаро ишлардаги конкрет фаолиятимиз очиқ китоб каби ҳаммага маълум, бизнинг ишларимиз ташқи сиёсатимизнинг ҳаққонийлигига бўлган ишонч билан суғорилган.

Совет Иттифоқи ҳамиша агрессив босқинчилик урушларинг душмани бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Агрессия қурбони бўлган мамлакатлар доимо давлатимиздан мадад олиб келдилар ва бундан буён ҳам ола берадилар. Шу сабабли Совет Иттифоқининг ташқи сиёсий йўли кўп жиҳатдан Ғарбдаги айрим давлатларнинг ташқи сиёсатига тўқнаш келиб қолмоқда. Сиёсатдаги турли йўналишларнг ана шундай тўқнашуви аслини олганда ҳозирги дунёдаги ҳамма воқеаларга катта таъсир ўтказмоқда.

Ғарбдаги айрим йирик давлатлар сиёсатда агрессив йўлни ўтказиб келаётганлиги ва бунинг устига бошқа мамлакатлар ва халқларга қарши бевосита агрессия қилаётганлиги яхши маълум.

Беш йилдирки, АҚШ ярим миллионлик армияси билан Жанубий Вьетнамга бостириб кириб, Вьетнам халқига қарши уруш олиб бормоқда. Женевада Вьетнамга доир тузилган халқаро битимларни қўпол равишда бузган АҚШ агрессор бўлиб майдонга чиқди. Вьетнамдаги уруш — Америка Қўшма Штатлари томонидан босқинчилик мақсадларини қўзловчи урушдир. Бу уруш эркин яшашни ва ўзининг ички ишларини ўзи ҳоҳлагандек ташкил этишни истаган халққа қарши олиб борилаётган урушдир.

Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти — эндиликда эса Жанубий Вьетнам республикасининг Муваққат революцион ҳукумати, Вьетнам проблемасини сиёсий жиҳатдан бартараф этишга ўзларининг тайёр эканликларини неча марталаб намойиш қилдилар ва шу мақсадда конкрет таклифлар киритдилар. Ҳозир Парижда олиб борилаётган музокараларда улар тегишли таклифлар тақдим этдилар.

Совет Иттифоқи бу таклифларни АҚШ ижобий назар билан кутиб олади, деб умид қилади. АҚШнинг Вьетнамда қуроли йўл билан галаба қозониш умиди пуч бир нарсадир. Мустақиллик учун олиб борилган курашда ўзининг миллий мақсадларини жуда яхши тушунишини кўрсатган Вьетнам халқи курашни ўз адолатли ишининг пировард тантанасигача давом эттиришга қатъий бел боғлаган. АҚШдагилар тўғри ҳулосаларни қанчалик тез чиқариб олиб, Вьетнамдаги урушни тўхатиш, унинг территориясидаги Американинг ҳамма қўшинларини олиб чиқиб кетиш зарурлигини тан олса. АҚШнинг ўзи учун ҳам шунчалик яхши бўлади.

Совет Иттифоқи адолатли кураш олиб бораётган қардош Вьетнам халқига ёрдам бериб келмоқда ва бундан буён ҳам ёрдам бераверади. Шундай йўл тутиш орқали у пролетар интернационализмнинг ленинча принципларига амал қилмоқда ва шу принциплардан асло чекинмайди.

Вьетнамдаги уруш муносабати билан унга туташган бутун район гоят хатарли район бўлиб қолмоқда. Модомики, уруш тўхатилмаган экан, тағин ҳам оғир оқибатлар келтириб чиқарувчи можаронинг кенгайиш хавфи доимо сақланиб қолаверади.

Совет Иттифоқи АҚШ сиёсати ва ҳаракатларининг ҳамма жиҳатларини ва эҳтимол тутилган оқибатларини сергаклик билан ҳисобга олиш натижасида Америка ҳукумати Вьетнамдаги агрессив урушни тўхатиш қарорига келади, деб ишонишни истар эди. Ҳозир томонлар ўртасида олиб борилаётган музокараларни муваффақиятга эриштирадиган тўғри йўл ана шудир. Совет Иттифоқи эса, ана шу муваффақиятни кўришни истайди.

АҚШда, шу жумладан юқсак давлат лавозимларини эгаллаб турган мансабдорлар орасида шундай кишилар борки, улар Вьетнамдаги урушнинг тўхатилиши ва Америка қўшинларининг Вьетнамдан олиб чиқиб кетилиши АҚШнинг обрўйини тўкади, деб даъво қилмоқдалар. Йўқ, ишнинг бундай тарзда ҳал қилиниши америкаликларнинг обрўйини тўкиш бир ёқда турсин, балки, аксинча обрўсини оширади. Обрўни ошириш вазифаси эса ҳозир ҳеч ким эмаслиги Вашингтондагиларга яхши маълум.

Вьетнамдаги урушнинг тўхатилиши ва Вьетнам масаласининг сиёсий бартараф қилиниши, умуман халқаро вазиятни анча соғломлаштирган бўлур эди, бу эса барча халқларнинг, барча давлатларнинг манфаатларига мос келади.

Яқин Шарқ районидаги вазият умуман дунёдаги аҳволга катта таъсир қилмоқда. Совет Иттифоқи Яқин Шарққа катта эътибор бериб келди ва ҳозир ҳам катта эътибор бермоқда. Бу район тинчлик ишига хатарли оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфли манба бўлиб қолмоқда. Ҳозирги асосий хавф нимадан иборат? Бу хавф шундан иборатки, Исроил араб давлатлари — Бирлашган Араб Республикаси, Сурия, Иордониядан ўзи босиб олган территорияларни ҳали ҳам бўшатиб бергани йўқ.

Афтидан, 1967 йил июнидан кейин шовинистик жазаваси Исроилнинг айрим арбоблари бошини шу кадар ғанитиб қўйганки, уларнинг воқеаларга сергакроқ назар билан қарайдиган бўлишлари учун икки йиллик муддат ҳам камлик қилди. Воқеаларга сергакроқ назар билан қараш эса — агрессия натижасида босиб олинган ўзгаларнинг территориясини қўлда ушлаб туриш мумкин эмаслигини, бу территорияларни ўз эгаларига қайтариб бериш лозимлигини эътироф қилиш демакдир.

Исроилда қилинаётганидек ҳарбий жиҳатдан устунликка маҳлиё бўлиш Исроил учун калтабинликдир. Оккупация қилинган территорияларни Исроил қўшинларидан бўшатиб бериб, айни вақтда Яқин Шарқдаги ҳамма давлатларни, шу жумладан Исроилнинг ҳам мустақил миллий ҳаёт кечиришга ва бу муҳим районда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга бўлган ҳуқуқини тан олиш асосида масаланинг ҳал қилинишини бирдан-бир пухта йўл бўлур эди.

Араб мамлакатлари ана шунинг тарафдорларидирлар. Совет Иттифоқи, Варшава Шартномасидаги иттифоқдошларимиз ана шунинг тарафдоридирлар. Дунёдаги бошқа кўпгина давлатлар шу талабни ёқлаб чиқмоқдалар.

Ҳозирги вақтда тегишли ҳукуматлар ўртасида, шу жумладан Ҳавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган йирик давлатлар — СССР, АҚШ, Франция, Англия ўртасида Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф қилиш йўллари тўғрисида фикрлашиб олинмоқда. Бу фикрлашув қандай натижа беришини ҳозирча айтиб бўлмайди. Лекин ўз-ўзидан икки ҳулоса чиқиб турибди.

Биринчи ҳулоса — фикрлашувда қатнашаётган ҳамма томонлар Яқин Шарқдаги аҳволни ҳозирги вақтдаги тарзда қолдириш катта, жуда катта хавф-хатар билан боғлиқ эканлигини яхши биладилар.

Иккинчи ҳулоса — можорога бевосита тортилган икки томондан бири—араблар томони аҳволни бу районда тинчликни таъминлайдиган муқим асосда бартараф қилишга тайёр эканлигини қўлҳор қилмоқда. Иккинчи томон — Исроил масалани бартараф этишга қаратилган ҳар қандай таклифларни ўжарлик билан, деярли автомат тарзда рад этмоқда.

Исроил арбоблари масалани шундай бартараф қилишни истайминки, натижада Исроилнинг тинчлик шароитида яшаши таъминлаб берилади-ган бўлсин, деган гапни тез-тез айтмоқдалар. Лекин уларнинг бу гапи тутуруқсиз бўлиб чиқмоқда, чунки улар масаланинг худди шундай тарзда ҳал қилинишини рад этиб, Исроилнинг уруш ҳолатида яшашини афзал кўрмоқдалар. Лекин шуни таъкидлаш керакки, бу — жуда қалтис йўл ва бу йўлнинг Исроил учун келтириб чиқариши мумкин бўлган хавфини ҳаддан ташқари ўзига зеб бериш билан ҳам (Тель-Авивдагилар Исроилни ўнта буюк давлатдан ҳам кучли эканлигини, ўзларига шундай зеб бермоқдалар), турли-туман асоссиз даъволар билан ҳам иўқотиб бўлмайди.

Совет Иттифоқи Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф қилиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланиш тарафдоридир. Сусткашлик хатарли бўлиб, ҳаммага зарар етказади. Бундай сусткашлик снёсий зарар етказади, чунки бу райондаги вазиятнинг чиғаллашиш хавфи жуда катта. Сусткашлик иқтисодий зарар етказади, чунки Бирлашган Араб Республикаси суверенитети остида бўлган халқаро кема қатновининг муҳим йўли — аввало, Сувайш каналидаги ҳаракат тўхатиб қўйилди.

Масаланинг яна бир принципиал жиҳати бор: бошқа мамлакатларга ҳужум қилиб, куч ишлатиш натижасида уларнинг территориясидан бир қисмини босиб олган давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг установи ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли қарорини қўпол равишда поймол қилиб, оккупацияни давом эттиришга йўл қўйиб бўлмайди, бунга йўл қўйиш агрессиянга эрк бериш бўлур эди.

Совет ҳукумати муҳим ташаббус кўрсатиб, Яқин Шарқдаги можарони снёсий бартараф қилишга ёрдамлашишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқди. Бу таклифлар, шу жумладан, энг кейнги вақтда илгари сурилган таклифлар ҳам бу районда тинчликни ўрнатиш йўлларини қидиришда ўз ролини ўйнаб келмоқда.

Исроил АҚШ ҳукуматининг снёсатига таянмоқда. Шу сабабли, биз АҚШ ҳукуматининг ана шу масалаларнинг ҳаммасида бирмунча реалистик позицияда туриб, вақтинчалик наф кўриб қолиш мўлжалларини кўзламай, балки узоқ муддатли манфаатларга амал қилишини истар эдик. Катта ва кичик ҳамма мамлакатлар Яқин Шарқдаги вазиятнинг бартараф қилинишидан манфаатдор бўлмасликлари мумкин эмас. Бу вазифанинг ҳал этилиши халқаро вазиятга ҳам ижобий таъсир қилган ва тинчлик фойдасига ўзининг ўрнини ҳисобланмас эди. Ўша вақтда ва ҳозирги вақтда ҳам бу ишнинг ҳаммасида ва ҳар иккала герман давлати ўртасидаги чегара Европадаги ҳавфсизликнинг муҳим гаровидир.

Европа давлатларининг мавжуд чегаралари дахлсиздир, бу чегаралар энг катта уруш алангасида таркиб топди, бутун-бутун давлатлар ва халқларни йўқ қилиб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган агрессорларга қарши кураш натижасида вужудга келди.

Бу чегаралар шунинг учун ҳам дахлсиздирки, уларнинг қонунилиги ва ҳаммаларнинг ҳурмат қилиши мажбурлиги Ялта ва Потсдам битимларига, шунингдек манфаатдор давлатлар ўртасидаги бошқа бир қанча халқаро шартномаларга асосланади. Ялта ва Потсдам битимлари эса, ўз аҳамияти жиҳатидан тарихий, снёсий ва халқаро — ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Бу чегаралар шунинг учун ҳам дахлсиздирки, Европадаги бир қанча мамлакатлар, шу жумладан, ГДР ва ГФР ўз турмушини, ўз давлатининг ишларини чорак асрдан бери ўз ихтиёрича ана шу янги чегаралар доирасида қуриб келмоқда.

Бу чегаралар яна шунинг учун ҳам дахлсиздирки, тинчлик шароитида ўсиб воятга етган европаликларнинг бутун бир авлоди Европа давлатларининг ҳозир мавжуд бўлган чегараларидан бошқа чегараларни билмайди ва бу чегараларни ҳақли равишда тинчлик чегараси деб қабул қилмоқда.

Мавжуд чегаларларнинг дахлсизлиги — Европа учун энг муҳим масаладир. Тинчлик ёки уруш бўлиши давлатлар, айниқса йирик давлатлар бу масалага қандай жавоб беришларига боғлиқдир.

Бизнинг мамлакатимизга келганда, биз бу масалага тамомила равшан қилиб бундай жавоб берамиз: Қитъанинг шарқи ёки ғарбидаги, шимоли ёки жанубидаги давлатларнинг чегаралари дахлсиздир, зотан ҳеч қандай куч аҳволни ўзгартира олмайди.

Европадаги чегаралар масаласида Варшава Шартномасидаги иттифоқдошларимиз ҳам худди шундай позицияда турибдилар, биз каби уларнинг ҳам сўзи билан иши бирдир.

Европада таркиб топган чегаларларнинг дахлсизлигини эътироф қилиш хусусида аниқ позицияда туриш — у ёки бу давлатнинг Европа ишларидаги сиёсати қандай эканлигини ва унинг тинчлик тўғрисидаги гаплари қаҳқаҳ ниятларига қанчалик тўғри келишини билдирувчи энг муҳим кўрсаткичдир.

Урушдан кейнги дастлабки йилларда бўлганидек, ҳозир ҳам совет халқи герман милитаризми ва нацизмини қайтадан тиклаш йўлидаги уринишларни эътибор билан кузатиб турибди. Потсдам битими нацизмни ва милитаризмни тас-томири билан йўқотишни талаб қилади. Нацизм ва милитаризмга қарши кураш мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасида сарф-лаётган куч-ғайратларининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Германия Федератив Республикасидаги яни нацистларнинг национал-демократик партияси Ғарбий Германиядаги 10 та ўлкадан 7 тасининг парламентига ўз вакилларини сайлаттириб олди ва бўлғуси парламент сайловида федерал бундестагга ҳам кириб олиш ниятида юрибди. Ғарбий Германия буржуа партияларининг ичида, давлат аппаратида, полиция органларида, армияда ҳам янги нацистик кучлар тобора зўр таъсирга эга бўлиб қолмоқдалар.

Бу хусусда нима дейиш мумкин? Уруш тамом бўлган вақтда ғарбдагилар нацизмга ҳозирги вақтдагига нисбатан анча масъулият билан қараган эдилар, ўша вақтда нацизм хавфи ҳозир айрим пойтахтларда қилинаётганидек процентлар ва процентларнинг улушлари билан ҳисобланмас эди. Ўша вақтда фашизмнинг ҳар қандай формада яшаш ҳуқуқи абадий рад қилинган эди.

Башарти биз урушдан олдинги Германия билан ҳозирги Федератив Республика ўртасидаги ўхшашликни эътибордан соқит қилсак, башарти, уларнинг снёсатидаги ва ғоявий муҳитидаги айрим ўхшаш белгиларни пайқамасак, ҳақиқатга хилоф иш тутган бўлур эдик. Нацистларнинг тез-тез ўтказилиб турган йиғинлари, жуда кўп нусхада нашр этилаётган адабиёт, мактаб дарсликлари — ана шуларнинг ҳаммаси одамзот авлодини қасоскорлик ғоялари руҳида тарбиялаш, ўтмишда герман империалистлари миллион-миллион немисларни ажал гирдобига ташлаган мақсадлар йўлида хизмат қилишга тайёр авлодни тарбиялаш вазифасига кўп жиҳатдан бўйсундирилган.

Ҳамма белгилар шуни кўрсатиб турибдики, СССРга яқин ўн бўлган ҳар бир нарса ГФРга ёмондир, деган мезон Германия Федератив Республикасида аввал бўлганидек ҳозир ҳам одат тусига кириб қолган. Европадаги вазиятни соғломлаштиришга, ГФР билан муносабатларга доир масалаларни ҳал этишга қаратилган кўпгина таклифларимиз қаршиликка учраётганлигининг сабабини худди шу нарса билан изоҳлаш мумкин.

Германия Федератив Республикасининг Совет Иттифоқи билан нормал муносабатларни ривожлантириш имкониятлари бошқа мамлакатларнинг имкониятларидан кам эмас, деб Совет Иттифоқи неча марта таъкидлади. Муносабатлардаги қийинчиликларни биз вужудга келтираётганимиз йўқ. Нишнинг моҳияти шундаки, Германия Федератив Республикаси муносабатларнинг яхшиланиши учун Европа ишларидаги снёсатимиз принципларидан чекинишни талаб қилмоқчи бўлади, бундай бўлиши асло мумкин эмас.

Иккинчи жаҳон уруши даврида агрессив герман империализми халқлар бошига қандай кулфат солганлигини Европадаги бошқа халқлар каби бизнинг халқимиз ҳам узоқ вақт унутмайди. Немисларга, аниқроғи немис капиталистларига ва юнкерларга бошқа халқларнинг хуни эвазига яхши ҳаёт қуриб беришни вазда қилган гитлерчилар тўдасининг жиноятларини европаликларнинг ҳозирги авлодигина эмас, келажак авлодлари ҳам инсон заковати ва ҳис-туйғулари қодир бўлган энг зўр нафрат билан эслаб юрадилар.

Башарти Германия Федератив Республикаси тинчлик йўлидан борадиган бўлса, муносабатларимизда бурилиш рўй бериши мумкин ва биз шуни истаймиз. Бунинг учун маглубият билан тугаган уруш учун қасос олиш планлари ўрнини жуда катта иқтисодий ва техникавий имкониятларга эга бўлган Германия Федератив Республикасининг келажаги — барча давлатлар билан, шу жумладан, Совет Иттифоқи билан тинч ҳамкорликдадир, деган тушунча олмоғи лозим.

Совет ҳукумати ана шу позицияларга асосланиб, Германия Федератив Республикаси билан муносабатларга доир масалаларни ҳал этишга қаратилган кўпгина таклифларимиз қаршилигини учратаётганлигининг сабабини ҳеч қандай ҳаёлга ва ҳеч қандай ҳаракатга ўрин қолдирмаган ҳолда, ҳеч ким ҳеч нарсани ўзгартирмоқчи эмас, деб ҳисоблаймиз. Тегишли давлатларнинг бу районда ракета-ядро қуролини жойлаштиришга йўл қўймаслик мажбуриятини олишлари биринчидан, бу ерда жойлашган мамлакатларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаган бўлур эди ва иккинчидан, умуман жаҳон ҳатлар ўтказиш йўли билан кенгашга тайёргарлик бошлашни ва муайян босқичда кенгашни чақиришга алоқадор масалаларни муҳокама қилмоқ учун учрашув ўтказишни таклиф қилиб, барча манфаатдор давлатларга мурожаат қилганлигидан Совет ҳукумати ўзининг мамнун бўлганлигини изоҳ этади. Совет ҳукумати Финляндия ҳукуматининг ана шу ташаббусига ижобий жавоб берди ва шу таклифни рўёбга чиқаришга ҳаракатлашишга тайёрдир.

Бир қанча мамлакатларнинг ҳукуматлари: зарур тайёргарлик кўриш йўли билан Умумевропа кенгашининг муваффақиятини таъминлаш муҳим деб айтмоқдалар. Бу гап бизнинг қарашларимизга ҳам тўғри келади. Лекин тайёргарликни кенгашга етиб бориб бўлмайдиган чанғалзорга айлантириб юбормаслик ҳам муҳимдир.

Совет Иттифоқи Европанинг шарқи ва ғарбидаги давлатларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан бутун қитъа фаровонлигига бевосита алоқадор бўлган энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги катта лойиҳаларни ҳам амалга ошириш тарафдоридир. Кенг кўламдаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, монесиз ўзаро манфаатли савдо-сотиқ маданий алоқалар ривожлана борган сари снёсий соҳадаги ҳамкорликнинг ҳам муҳим асоси бўлиб қолиши мумкин ва лозим.

Кўриниб турибдики, муҳокама қилиниши мумкин бўлган проблемалар оз эмас, ҳамма гап уларни қараб чиқишга тайёр бўлиб туришда ва бир қарорга келишда қолган.

Умуман олганда, бизнинг Европадаги позицияларимиз мустаҳкам. Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқдошларининг социализм ғалабалари, эркинлиги ва мустақиллиги таъминланган. Германия Демократик Республикаси Варшава шартномаси мамлакатларининг мудофаа системасида бошқа барча қатнашчилар билан тенг ўринда турибди ва унинг мавқеи нақадар мустаҳкам эканлигини синаб кўришга ҳеч ким орзу қидмаса ҳам бўлади.

Аввал ҳам, ҳозир ҳам биз на Европада, на унинг таркарисида ҳеч кимга хавф солганимиз ва хавф солаётганимиз йўқ. Бизнинг армиямиз фашист агрессорларнинг тор-мор қилиб, Европа марказига уруш эмас, балки тинчлик келтирди. Совет Иттифоқи Европадаги хавфсизлик ўз хавфсизлигимизда ажралмас эканлигини ўзининг бутун фаолияти билан амалда исботлади, у ўзининг ташқи сиёсатида шунга амал қилмоқда ва бундан буён ҳам шунга амал қилаверади.

Совет Иттифоқи аввалдагидек ҳозирда ҳам Ўрта денгиз районида ракета-ядро қуролидан ҳоли зонанинг вужудга келтирилиши Европа хавфсизлиги учун, шунингдек Африка қитъаси учун, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлур эди, деб ҳисоблайди. Тегишли давлатларнинг бу районда ракета-ядро қуролини жойлаштиришга йўл қўймаслик мажбуриятини олишлари биринчидан, бу ерда жойлашган мамлакатларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаган бўлур эди ва иккинчидан, умуман жаҳон ҳавфсизлиги ва ҳамкорлиги учун, шунингдек Африка қитъаси учун, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлур эди, деб ҳисоблайди. Тегишли давлатларнинг бу районда ракета-ядро қуролини жойлаштиришга йўл қўймаслик мажбуриятини олишлари Варшава шартномаси мамлакатларининг мудофаа системасида бошқа барча қатнашчилар билан тенг ўринда турибди ва унинг мавқеи нақадар мустаҳкам эканлигини синаб кўришга ҳеч ким орзу қидмаса ҳам бўлади.

Аввал ҳам, ҳозир ҳам биз на Европада, на унинг таркарисида ҳеч кимга хавф солганимиз ва хавф солаётганимиз йўқ. Бизнинг армиямиз фашист агрессорларнинг тор-мор қилиб, Европа марказига уруш эмас, балки тинчлик келтирди. Совет Иттифоқи Европадаги хавфсизлик ўз хавфсизлигимизда ажралмас эканлигини ўзининг бутун фаолияти билан амалда исботлади, у ўзининг ташқи сиёсатида шунга амал қилмоқда ва бундан буён ҳам шунга амал қилаверади.

Совет Иттифоқи аввалдагидек ҳозирда ҳам Ўрта денгиз районида ракета-ядро қуролидан ҳоли зонанинг вужудга келтирилиши Европа хавфсизлиги учун, шунингдек Африка қитъаси учун, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳавфсизлиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлур эди, деб ҳисоблайди. Тегишли давлатларнинг бу районда ракета-ядро қуролини жойлаштиришга йўл қўймаслик мажбуриятини олишлари биринчидан, бу ерда жойлашган мамлакатларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаган бўлур эди ва иккинчидан, умуман жаҳон ҳавфсизлиги ва ҳамкор

ДЕПУТАТ А. А. ГРОМИКО ДОКЛАДИ

(Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Кремль саройида Кенгаш ишлари революцион гимнсадоси остида ғоят баланд руҳ билан якунланган бир вазиятда коммунистлар жаҳон армиясининг раҳбарлари марксизм-ленинизмга садоқатларини таъкидладилар ва бу билан марксизм-ленинизмга қарши кураш йўлига ўтганларни қораладилар. Буларнинг ҳаммаси В. И. Ленин туғилган куннинг юз йиллиги арафасида содир бўлганлиги сабабли алоҳида куч касб этади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Кенгашда сўзлаган нутқида Совет ҳукуматининг шу йил 29 март ва 13 июндаги баёнотларида мамлакатимизнинг, партиямизнинг ва СССР ҳукуматининг Хитой Халқ Республикасига нисбатан тутган принципиал позицияси равшан баён қилинди. СССР билан ХХР ўртасидаги дўстликни тиклаш ва келгусида ривожлантириш йўли Хитойга нисбатан ўтказиб келаётган сиёсатимизнинг негизи бўлиб келди ва шундай негиз бўлиб қолаверади. Бунда ҳар қандай иғвогарликларга қатъий зарба берилажаги турган гап. Совет Иттифоқи ҳар иккала мамлакат халқларининг асл манфаатларини эътиборга олувчи конструктив сиёсатни туҳмат ва ҳақоратларга қарама-қарши қўймоқда.

Пекин раҳбарларининг Советларга қарши руҳдаги баёнотлари уларнинг мамлакатимизга қарши, совет халқига қарши душманчилик ниятлари борлигини исбот қилади. Пекин раҳбарларининг Советларга қарши баёнотлари билан ана шу ниятларини амалга ошириш имкониятлари ўртасида жуда катта тафовут бор, албатта. Совет Иттифоқи билан таҳдид қилиш руҳида, хусусан қурол билан таҳдид қилиш руҳида гаплашиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қаттиқ зарба бериб келдик ва қаттиқ зарба бераверамиз. Шу йил март ойида Уссури дарёсидаги Даманск ороли яқинида рўй берган ҳодиса тегишли кишиларни ўз ҳаракатлари оқибатларини сергаклик билан яхши билиб олишига мажбур этиши керак.

Хитой раҳбарлари ҳали яқиндагина эгаллаган позицияларига хилоф суратда Совет Иттифоқига нисбатан территория даъволарини илгари сурмоқдалар. Улар бир вақтлар Россия билан Хитой ўртасида тузилган ва ҳар иккала мамлакат ўртасидаги чегараларни аниқ-равшан белгилаб берган шартномалар тенг ҳуқуқли шартнома эмас, деб айтмоқдалар. Ана шу сохта даъволар Совет ҳукуматининг баёнотларида жуда аниқ кўрсатиб берилди. Айгун, Тяньцизин ва Пекин шартномалари, шунингдек Хитой билан СССР ўртасидаги чегараларни белгилаган ва расмийлаштирган протоколлар, битимлар ва карталар ҳам амалда бўлиб, қонун кучига киргандир. Ҳар иккала томон бу қонунни ҳурмат қилишга мажбурдир.

Совет Иттифоқининг ҳамма чегаралари, шу жумладан, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқдаги чегаралари дахлсиздир. Бутун халқимизнинг ана шу чегараларни қатъий туриб ҳимоя қилиш иродаси Даманск оролида ҳар бир солдат ва ҳар бир офицернинг кўрсатган жасоратида намоён бўлди.

Совет Иттифоқининг ўз қўшниларидан биронтасига нисбатан территория даъволари йўқ. Совет Иттифоқи чегаралар душманлик ва адоват чизиғи бўлмаслиги керак, деган фикрга асосланади. Чегара оша таҳдид қилинмай, хусусан ўқ узилмай, балки иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатилиши ва бошқа мулклар айрибошланиши, қўшни халқларнинг дўстлигини мустаҳкамлайдиган ҳамма нарсалар айрибошланиши керак. Совет Иттифоқи барча қўшни давлатлар билан бўлган ўз чегараларида худди шундай позицияларда туриб ёндошмоқда; Хитой билан икки ўртадаги чегарамизда ҳам худди шундай ва фақат шундай йўл тутиш керак.

Совет ҳукумати Совет—Хитой чегарасидаги вазиятни нормаллаштириш учун, ҳар қандай можароларнинг, хусусан қон тўкилишига сабаб бўла оладиган можароларнинг олдини олиш учун Хитой Халқ Республикаси ҳукуматига зарур чораларни кўришни таклиф этди. Совет ҳукумати айрим участкаларда ХХР билан СССРнинг давлатаро чегаралари ўтадиган линияларни аниқлаш мақсадида ҳар иккала томон мухтор вакилларининг 1964 йилда ўтказилган маслаҳатлашувини яна бошлашни таклиф этди. Совет ҳукуматининг бу позицияси ихтилофларни тинч йўл билан музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишдан иборат сиёсатимизга тамомила мосдир.

Хитой раҳбарлари можароларга йўл қўймаслик керак, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда душманлик ва кучни пеш қилиш йўли яроқсиз йўл, деган бирдан-бир тўғри хулосаларни чиқариб оладилар, деб ўйлашни истар эдик.

Ҳозирги вақтда Хабаровск шаҳрида ҳар иккала томон вакиллари кичик бир масала юзасидан — баъзи бир чегара районларидаги дарёларда кемалар қатновини тартибга солиш масаласи юзасидан учрашмоқдалар. Совет томони шу учрашувнинг бўлишини ижобий хол, деб қарайди. Аммо Хитой вакилларининг энг бошданоқ ва кейин ҳам айтган баъзи гапларини ва Хитой томони яқинда Амур дарёсида қилган янги иғвогарлигини эътиборга олганда, бу музокараларнинг қандай натижа бериши тўғрисида ҳозирча бир гап айтиш қийин.

Совет Иттифоқи ҳар иккала давлат ўртасидаги муносабатларга — иқтисодий, илмий, маданий муносабатларга доир масалаларни ХХРнинг масъул вакиллари билан муҳокама қилишга тайёр эканлигини кўп марта билдирди. СССР билан ХХР ўртасидаги муносабатларни соғломлаштиришга қаратилган бошқа таклифларимиз каби бу таклифлар ҳам хитой ва совет халқларининг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушган бўлур эди. ХХР раҳбарлари СССР билан Хитой ўртасидаги муносабатларга доир кўп масалалар юзасидан дастлабки шартлар қўймаган ҳолда музокаралар олиб боришга бизнинг тайёр эканлигимизга қандай қарашини келажак кўрсатиб беради.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш проблемаси инсоният олдида турган энг ўткир проблемалардан бири бўлиб қолмоқда. Давлатларнинг ўз сиёсатида кўзда тутган турли мақсадлар уларнинг ана шу проблемага турлича ёндошишларида ҳам ўз аксини топади.

Шуни айтмоқ керакки, империалистик давлатларнинг сиёсати ва пропагандаси қуролланиш пойгаси инсониятнинг муқаррар йўлдоши, деган тасаввурни кишилар онгига сингдириш учун кўп иш қилди. Қурол-яроғ ишлаб чиқариш орқасида бойлик тўплаётганлар олаётган фойдаларининг катта қисмини ҳарбий мақсадлар учун тобора кўп маблағ ажратиш кераклигини ва қуролланиш пойгаси зарур эканлигини исбот этиш учун сарф қилмоқдалар.

Ўз фароғатини ёки сиёсий шуҳратини уруш тайёргарлиги ва қурол-яроғ ишлаб чиқариш билан боғлаган кишилар аввалгидек ҳозир ҳам қуролсизланиш душманлари бўлиб қолмоқда. Ҳукмрон синф — буржуазия ҳарбий саноат бирлашмалари ва уларнинг давлат органларидаги одамлари қуролсизланиш душманларидир.

Халқларнинг эҳтиёжларини назар-писанд қилмаслик, бойлик тўплашга ўриниш, бошқа мамлакатлар ва бошқа халқларни эксплуатация қилишга ҳамда қурол кучи билан бўйсундиришга интилиш — бундай сиёсатга асос қилиб олинган. Бунинг натижасида қуролланиш пойгаси тарихда ҳеч қачон ҳозирги кундагидек кескин тус олмаган эди. Жаҳондаги давлатлар ўтган йилнинг бир ўзидагина ҳарбий харажатлар учун қарийб 200 миллиард доллар сарф қилдилар. Бу сумма тўхтовсиз ортиб бормоқда.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар изчиллик билан ўтказиб келаётган тинчликсеварлик сиёсати қуролланиш пойгаси илҳомчиларининг сиёсатига қарама-қарши турибди. Европада иккинчи жаҳон уруши бошланганига яқинда 30 йил тўлади. Бу сана ҳаммани огоҳлантириши керак. Бу сана тинчлик учун курашда қуролсизланиш душманларини чекинишга мажбур этиш ва қуролсизланиш йўлига ўтишга мажбур этиш кераклигини қаттиқ эслатиб турибди. Ер юзидаги барча кишилар шу сана олдида инсоният учун уруш оқибатларининг такрорланишига ҳеч қачон йўл қўймаймиз, деб қасамёд қилишлари лозим.

Совет Иттифоқи давлатларнинг ёппасига ва батамом қуролсизланиши янги жаҳон уруши хавфини камайтиришга қаратилган энг кескин қадам, деган фикрга асосланиб келди ва асосланмоқда. Шундай кескин қадам қўйиш пайти ҳали келган эмас, деб исбот қилишга уринаётган ҳукуматлар халқларни алдамоқдалар.

Ҳозирги вақтда давлат арбобларининг, олимларнинг фикри қурол-яроғларнинг янги турларини ишлатиш шарт-шароитларини белгилашга (НАТОнинг ҳарбий штабларида бу иш билан шуғулланишни жуда яхши кўрадилар) эмас, балки қуролсизланишга қаратилиши лозим, чунки қуролланиш пойгаси кўпданоқ беманилик бўлиб қолди.

Қуролсизланиш соҳасига тааллуқли бўлган ва тезликда ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча проблемалар бор.

Стратегик қурол, деб аталган қурол тўғрисидаги масала энг асосий масалаларнинг бири сифатида пайдо бўлди. Бунда гап аввало, энг йирик давлатлар ҳужум ва қарши ҳужумнинг энг кўп вайронгарчилик келтирувчи воситаларини вужудга келтириш пойгасини тўхтатиш учун ўзаро келишиб олишлари керакми, ёки бу давлатларнинг ҳар бири миллий ресурсларни тобора кўпроқ қуролланиш пойгасига сафарбар қилишга мажбур этадиган рақиб олдида ҳарбий жиҳатдан устунликка эга бўлиш учун ана шу рақибдан у ёки бу соҳада ўзиб кетишга уринаверадими, деган масала устида боряпти.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Давлатларнинг узоқ даврга мўлжалланган сиёсатида буни ҳам эътиборга олмай бўлмайди. Масаланинг бу томони кўп жиҳатдан шу нарса билан боғликки, қурол-яроғларни контроль қилишда уларни бошқариш системалари, агар шундай деб айтиш жоиз бўлса, ана шу қурол-яроғларни вужудга келтирувчи кишиларга тобора боғлиқ бўлмай қолмоқда. Инсоннинг қулоғи ва кўзи ҳозирги суръатларни аниқ билишдан ожиздир, инсоннинг мияси жуда кўп приборларнинг кўрсаткичларига кўпинча жуда тез баҳо бера олмай қолади ва инсон қабул қиладиган қарор пировардида ҳисоблаб чиқувчи мосламаларнинг берадиган хулосаларига боғлиқ бўлиб қолади.

Ҳукуматлар воқеаларнинг асири бўлиб қолмай, балки уларнинг ривожини белгилай олиши учун ўз қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришлари лозим.

Совет ҳукумати стратегик қурол, деб аталмиш қурол тўғрисида АҚШ билан фикрлашиб олишга киришмоқ учун тайёр эканлигини Олий Советга маълум қилган эди. АҚШ ҳукумати фикрлашиб олишга тайёрланаётганлигини билдирди. Совет ҳукумати ҳам бунга тайёрдир. Ҳар иккала томон бу масаланинг ғоят муҳим эканлигини эътиборга олиб, уни қараб чиқади, деб умид билдиришни истар эдик.

Ядро қуроли пайдо бўла бошлаган чоқдаёқ Совет Иттифоқи атом энергиясидан фақат тинчлик мақсадлари учун фойдаланиш зарур эканлигини таъкидлади. Бунинг учун тегишли халқаро битим тузиш зарур. Совет Иттифоқи шундай қарашларга доим амал қилиб келди ва ҳозирги вақтда ҳам амал қилмоқда.

Ядро қуролини тамомила тарк этишга, ядро қуролини тугатишга тааллуқли, бошқа сўз билан айтганда, атом энергиясидан ядро қуроли ишлаб чиқариш учун фойдаланишга йўл қўймасликка тааллуқли асосий масалаларнинг ҳаммаси ядро қуролига эга бўлган албатта барча давлатларнинг чинакам иштироки билангина ҳал этилиши мумкин. Масала фақат шу тарзда қўйилиши мумкин. Совет ҳукумати ана шу жуда муҳим масалани ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатларнинг вакиллари билан муҳокама қилишга аввалгидек ҳозирда ҳам тайёрдир.

Ядро қуролининг тарқатилишига йўл қўймаслик вазифаси шу масала билан чамбарчас боғланган. Совет Иттифоқи бошқа мамлакатлар билан бир қаторда ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани ратификация қилишга киришди. Шу пайтгача 90 га яқин давлат бу шартномани имзолади. Шартномага қўшилиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилаётган мамлакатлар шартномани имзолаш ва ратификация қилиш зарур, деган бирдан-бир тўғри хулосага келадилар, деб умид билдиришни истардик. Совет Иттифоқи ядро қуроли синовларини тамомила тақиқлаш масаласига доим аҳамият бериб келди. Атмосферада, космик фазода ва сув остида бундай синовларни тақиқлаш тўғрисида 1963 йилда Москвада тузилган шартнома бу йўлда катта қадам бўлди. Аммо ядро қуролини ер остида синаб кўриш учун портлатиш ҳали тақиқланмай қолмоқда. Совет ҳукумати бу масала юзасидан ҳам бир битимга келишга тайёрдир.

Бундай битимга келмоқ учун Ғарб давлатлари ядро қуроли синовларини тақиқлаш вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган асоссиз шартларни қўйиш билан ишни мушкуллаштирмасликлари керак. Тақиқлашнинг самарали бўлишини миллий контроль воситаларидан фойдаланиш йўли билан таъминлаш мумкин ва шу асосда битимга келиш зарур.

Совет Иттифоқи денгиз ва океанларнинг тагидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги таклифни киритди. Бу таклиф тўғрисида ижобий фикрлар айтилганлигидан мамнун эканлигимизни изҳор қилиш учун асос бор. Тўғри, биз давлатларнинг ўз зиммаларига оладиган мажбуриятлари ҳажмини торайтириш йўлидаги уринишларга ҳам дуч келдик. Аммо қуролсизланиш комитетида қатнашувчи мамлакатларнинг ғоят кўпчилиги шу хилдаги самарали шартнома тузиш тарафдоридир.

Совет Иттифоқи бундан буён ҳам денгиз ва океанларнинг тагини демилитаризация қилиш барча мамлакатларнинг манфаатларига мувофиқдир, деган фикрга асосланади.

Бизнинг мамлакатимиз урушнинг химиявий ва биологик воситаларини тақиқлашни ҳозиргидан кўра кўпроқ самара берадиган даражага етказишни кўзда тутган таклифни бошқа давлатларнинг, шу жумладан, Женевада иш кўраётган қуролсизланиш комитети қатнашчиларининг муҳокамасига қўйди. Совет ҳукумати давлатлар бутун масъулиятни сезганлари ҳолда бу масалани ҳал этадилар ва яқин келгусида бир битимга келинади ва бу битим халқаро — ҳуқуқ тартибида қонунлаштирилади, деб умид қилади.

Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш соҳасида Совет Иттифоқининг олиб бораётган ташқи сиёсий фаолияти қардош социалистик мамлакатлар билан жуда маҳкам ҳамкорликда ва улар қўллаб-қувватлаган ҳолда амалга оширилмоқда. Варшава Шартномасида қатнашувчи иттифоқчиларимиз —Польша, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Болгария, Венгрия, Руминия бу соҳада силжиш бўлишига жуда катта аҳамият бермоқдалар. Уларнинг ўзлари ҳам қуролсизланишнинг турли жиҳатлари, жумладан, Европа мамлакатларига тааллуқли бўлган масалалар юзасидан муҳим таклифлар билан майдонга чиқмоқдалар.

Яқинда Монголия Халқ Республикаси Женевадаги қуролсизланиш комитетининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида шу комитетга таклиф этилди. Монголия Халқ Республикасининг қуролсизланиш соҳасидаги позицияси ҳамиша аниқ ва равшан позиция бўлиб келди. МХР қуролсизланиш ишидаги ҳар бир конструктив қадамни доим қўллаб-қувватлаб келди. Монголия Халқ Республикаси ҳозирги вақтда ўзининг ана шу йўлини ўтказиш учун янада катта имкониятларга эга бўлади.

Совет Иттифоқининг қуролсизланиш масалаларида тутган йўли ана шундай. Совет Иттифоқи бундан буён ҳам ана шундай йўлни ўтказишга қатъий қарор бергандир. Қуролланиш пойгасини сусайтириш ва уни тўхтатиш йўли, қуролсизланиш йўли бирдан бир тўғри йўл бўлиб, жаҳондаги объектив шароитлар шуни тақозо этади. Инсоният бошидан кечираётган фан-техника революцияси бу соҳада муҳим роль ўйнади. Бу революциянинг ўзани қайси томонга — уруш томонигами ёки тинчлик томонигами буриб юборилади? Ғоят муҳим бўлган бу масала ана шу тахлитда қўйилмоқда.

Ҳар бир ҳукумат, тинчликнинг ўз лабораторияси ёки кабинети деворлари билан ажралиб қолмаганлигини ва гражданлик жавобгарлиги туйғуларини ҳис этган ҳар бир олим илмий изланишлар ва унинг натижалари нимага хизмат қилмоқда, бу натижалар жаҳон фароғатига хизмат қиляптими, ёки жиноят қилишга тайёрланаётган, ёхуд жиноят қилиб қўйган агрессор бу натижалардан фойдаланяптими, деган саволни ўртага қўймай қола олмайди. Совет Иттифоқи табиатдан тортиб олинган жуда катта кучларни кишиларга хизмат қилдириш, тинчликка хизмат қилдириш тарафдоридир.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар қуролсизланиш масалаларида, шунингдек халқаро ҳаётга доир бошқа кўпгина масалаларда ҳамиша блокларга қўшилмаган давлатлар катта бир группасининг мададини сезиб турибдилар. Ана шу давлатларнинг сиёсати тинчлик йўлидаги умумий курашда муҳим ижобий омилдир. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар бу давлатларнинг позициясини қадрлайдилар. Социализмга қарши, тинчликка қарши курашда ўзлари учун таянч қидириб топишга уринаётганлар блокларга қўшилмаган давлатларнинг ана шу йўлини бошқа томонга буриб юбора олмайдилар, деб ишонч билдиришни истаймиз.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг коммунистик ва ишчи партиялар халқаро Кенгашида сўзлаган нутқида қуролли можароларнинг бошланиш хавфи кўпайиб бораётган районларда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш вазифаси узоқ муддатга мўлжалланган муҳим вазифа қилиб қўйилди. Воқеаларнинг боришини эндиликда Европа билан бир қаторда Осиёда ҳам коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш вазифасини кун тартибига қўяётганлиги таъкидлаб ўтилди. Айни бир вақтда Европа ва Осиё давлати бўлмиш Совет Иттифоқи Осиёдаги барча халқларнинг тинч яшашидан манфаатдордир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, халқаро майдонда, хусусан, Осиё мамлакатларида ана шу идея тўғрисида кўп фикрлар баён қилинди. Дуруст, ҳар хил уйдирмалар ҳам тўқилди. Тегишли ҳукуматлар бу идеяни ўрганиб ва муҳокама қилиб чиқмасданоқ, муайян доиралар Осиёда позитив хавфсизлик системасининг вужудга келтирилиши қандайдир бир мамлакатга ёки мамлакатлар группасига қарши қаратилган, деб талқин қилишга уринмоқдалар. Бундай уйдирмалар тамомила асоссиздир. Бунда гап Осиёдаги барча давлатларнинг коллектив суратда ҳаракат қилишлари тўғрисида, уларнинг умумий манфаатларини кўзлаб ер куррасининг ана шу районида хавфсизликни мустаҳкамлаш тўғрисида боряпти.

Бу масала ўзаро мақбул қарорга келиш йўлини топиш мақсадида манфаатдор давлатлар ўртасида тегишинча муҳокама қилиниши ва шу тўғрида маслаҳатлашиб олиниши керак албатта. Совет ҳукумати маслаҳатлашиб олиш вақтида масаланинг ғоят муҳимлигини эътиборга олиб, ўзининг конкрет мулоҳазаларини айтишга тайёрдир.

Совет ҳукумати манфаатдор давлатларнинг ҳукуматлари Осиёда коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифни жиддий суратда ўрганиб чиқадилар, деб умид қилади.

Жаҳондаги вазият йирик давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг қандай ҳолатда бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Совет Иттифоқи ташқи сиёсий фаолиятнинг шу томонига ҳам доим эътибор бериб келмоқда.

Совет ҳукумати Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларга ҳамиша катта аҳамият бериб келди. Биз АҚШ билан яхши муносабатларни ривожлантириш тарафдоримиз ва бу муносабатларнинг дўстона муносабатлар бўлиб қолишини истаймиз, чунки бу нарса Совет ва Америка халқларининг ҳам манфаатларига муносиб бўлажагига аминмиз.

Равшанки, ҳар иккала мамлакатларимиз ўртасида чуқур синфий тафовутлар бор. Аммо Совет Иттифоқи тинчликни сақлаш масалаларида СССР билан АҚШ умумий тил топа олади, деган фикрга ҳамиша асосланиб келди. Ўз-ўзидан маълумки, бу масалалар ҳақидаги келишув ва битимлар ҳар икки томоннинг манфаатларига, шу жумладан, иттифоқчиларимиз ва дўстларимизнинг манфаатларига муносиб бўлган тақдирда ана шу келишув ва битимларни тузиш мумкин.

Президент Р. Никсоннинг конфронтация давридан кейин музокаралар даври бошланади, деб айтган гаплари бизнинг эътиборимизни жалб этди. Совет Иттифоқи музокаралар олиб бориш тарафдоридир. Башарти АҚШ ҳукумати амалда шу йўлни ўтказадиган бўлса, АҚШ билан икки томонлама муносабатлар масалалари юзасидан ҳам, ҳал этилмаган халқаро проблемалар юзасидан ҳам позицияларни бамаслаҳат келишиб олишга аввалгидек ҳозир ҳам тайёрмиз. Табиий, Совет Иттифоқи бунда ўз ташқи сиёсатининг ўзгармас принципларига амал қилиб, катта ва кичик барча давлатларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилишга асосланади.

Совет томони Совет — Америка муносабатларини ривожлантириш имкониятларини ўрганиб чиқишга тайёрдир. Масалан, СССР Олий Совети ва АҚШ конгрессининг муътабар делегацияларини бир-бирларига юбориш масаласини қараб чиқиш нечун мумкин эмас? АҚШ президентининг юқори даражада яхши тайёрланган Совет — Америка учрашувини ёқлаб айтган гаплари ҳам Совет Иттифоқида инобатга олинмай қолмади, албатта.

АҚШда икки мамлакат ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилишига қарши чиқаётган кишилар сони тез орада камайиб қолади, деган хом хаёлларга берилаётганимиз йўқ. АҚШда ижтимоий тузумимизга нисбатан ўз адоватини яширмаётган кучлар ҳаракатга келтираётган механизм бутун қуввати билан ишлаб турибди. Аммо ҳатто шу доиралар ҳам жаҳондаги икки йирик давлат ўртасида тўқнашувлар бўлишига йўл қўймаслик ва улар ўртасида нормал ва энг мақбул янада яхши муносабатлар йўлга қўйиш ҳар иккала мамлакатнинг манфаатларига мос эканлигини тушуниб олишлари керак.

Мамлакатимизнинг Франция билан муносабатлари ривожланиб бораётганлигидан мамнунмиз. Ўз миллий манфаатларини, Шарқ билан Ғарб давлатлари ўртасидаги ҳамкорликни кўзда тутиб иш кўриш — Франциянинг ташқи сиёсати учун характерлидир. Кейинги йилларда ҳар икки томоннинг зўр ғайрат билан қилган ҳаракатлари туфайли сиёсий-иқтисодий, илмий-техника ва маданий соҳаларда Совет — Франция ҳамкорлиги мустаҳкамланди ҳамда кенгайди. Шу йилнинг май ойида 1970—1974 йилларга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги янги совет—француз битимининг тузилганлиги буни исбот қиладиган янги мисолларнинг биридир. Бу битимда ҳар иккала томоннинг товар оборотини икки баравар кўпайтиришга интилаётганлиги қайд қилинди.

Икки йирик давлат ўртасидаги муносабатларда бундай ижобий силжиш қай тариқа рўй бера олди? Бунинг боиси шуки, ҳар икки томон ўзаро муносабатларига доир масалаларни ҳал этиш вақтида совет ва француз халқларининг узоқ даврга мўлжалланган манфаатларини, уларнинг Европада тинчликни ва умумий тинчликни мустаҳкамлашдан муштарак манфаатдорлигини мезон қилиб олди.

Биз ҳар иккала томоннинг биргаликда қиладиган бундан буёнги ҳаракатлари совет — француз муносабатларида янада қулай вазиятни вужудга келтиришини истар эдик ва Франция билан, дўст француз халқи билан ҳар томонлама алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантириш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўрамиз.

Бизнинг Англия билан муносабатларимиз турли пайтларда турлича таркиб топди. Аммо яхши муносабатлар ўрнатилган даврлар ҳар иккала мамлакат халқларига доим фақат наф келтирди, халқаро хавфсизлик манфаатларига хизмат қилди.

Совет Иттифоқи иқтисодий соҳадагина эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам совет —инглиз муносабатларини янада кўпроқ ривожлантириш тарафдоридир. Бу эса ҳозирги халқаро вазиятни мушкуллаштираётган кескин халқаро проблемаларни ҳал этишга кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эди. Совет ҳукумати Англия ҳукумати билан фикрлашиб олишга тайёрдир.

Биз Италия билан муносабатларни изчиллик билан яхшилаб боришга жиддий эътибор бермоқдамиз. Кейинги йилларда Совет—Италия муносабатлари хусусан иқтисодий алоқалар соҳасида ижобий тарзда ривожланиб бораётганлигини қайд қилиб ўтишимиз мумкин. Тольятти шаҳрида енгил автомобиллар заводи қурилиши тамом бўлай деб қолди. Маълумки, шу завод Италиядаги Фиат фирмасининг иштироки билан қурилмоқда. Иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлигининг бошқа перспектив лойиҳалари ҳам тузилиши мумкин.

Совет ҳукуматининг фикрича, СССР билан Италия ўртасидаги сиёсий муносабатлар соҳасида ҳам етилган проблемаларни ҳал этиш ва Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида қарашларнинг ўхшашлигини аниқлаш учун бундан буён ҳам тегишли чораларни кўриш ва алоқа ўрнатиш мумкин.

Биз Узоқ Шарқдаги яқин қўшнимиз бўлган Япония билан муносабатларимизга катта аҳамият бермоқдамиз. Совет Иттифоқи турли соҳаларда бу мамлакат билан муносабатларни янада ривожлантириш тарафдоридир. Бу йўлда, хусусан, савдо-иқтисодий соҳада баъзи муҳим ишлар қилинди. Кўп нарса Япониянинг позициясига, унинг Япониянинг фароғати Совет Иттифоқи билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини тушуниб олишини тақозо этади. Мамлакатларимизни яқинлаштира оладиган нарсалар — тинчликдан ва аввало, Осиё ва Тинч океан ҳавзасида тинчлик бўлишидан манфаатдорлик ва баъзи халқаро проблемалар ҳақидаги позицияларда бўлган ихтилофлардан кўп даражада устун туради.

Иқтисодий, илмий-техника, маданий соҳалар ва бошқа соҳалардаги алоқаларнинг кенг тус олганлиги, муҳим халқаро проблемалар юзасидан нуқтаи назарларнинг бир-бирига тўғри келганлиги, ҳар иккала мамлакат давлат арбоблари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланаётганлиги Совет Иттифоқининг Ҳиндистон билан муносабатлари учун характерлидир. Ҳар икки томоннинг зўр бериб қилган ҳаракатлари натижасида Совет Иттифоқининг Ҳиндистон билан муносабатларида шундай вазият вужудга келдики, бу вазиятда ўртага қўйиладиган масалалар азиз дўстлар ўртасида ҳал этилганидек, ишонч руҳида ҳал этилмоқда. Совет Иттифоқи мамлакатимиз билан Осиёдаги энг йирик давлатларнинг бири бўлмиш Ҳиндистон ўртасидаги дўстона ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам зарур чораларнинг ҳаммасини кўради.

Совет Иттифоқининг Покистон билан муносабатлари кенгайиб бораётганлигидан мамнун эканлигимизни изҳор қилиш учун ҳамма асослар бор. Шу билан бирга ҳар икки томон ўзаро дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий, маданий соҳаларда ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришни истайди ва бунинг учун бундан буён ҳам куч-ғайратларини сарф қилишга тайёрдир. Бир қатор муҳим халқаро проблемалар юзасидан Совет Иттифоқи билан Покистон нуқтаи назарларининг бир-бирига тўғри келганлиги, икки ўртадаги ишончнинг ортиб бораётганлиги ҳам бунга ёрдам беради. Юксак даражадаги алоқалар ўрнатилиши бу соҳада катта роль ўйнамоқда.

СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ А. Н. Косигиннинг яқинда Ҳиндистон ва Покистонга, шунингдек қўшни Афғонистонга қилган сафарлари бу мамлакатларнинг Совет Иттифоқи билан ҳамжиҳатлигини кенгайтиришга тайёр эканлигини кўрсатди, уларнинг мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш йўлидан бундан буён ҳам боришга қатъий қарор берганликларини тасдиқлади. Биз доим шунга интилиб келмоқдамиз.

Қўшни мамлакатлар билан муносабатлар Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатида ҳамиша алоҳида ўрин олиб келмоқда. Фан-техника тараққиёти икки ўртадаги масофани қисқартириб, географик жиҳатдан бир-биридан олис бўлган мамлакатларни бир-бирига яқинлаштираётган бўлса ҳам, бу нарса ёнма-ён яшаб турган қўшнилар билан дўстлик ва ҳамкорликни йўлга қўйишнинг биринчи даражали аҳамиятини камсита олмайди.

Европа ва Осиёда бизнинг бевосита қўшниларимиз билан социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан қардошларча дўстлик руҳи билан суғорилган ўзаро муносабатларимиз тўғрисида юқорида гапириб ўтдик. Совет Иттифоқининг Совет чегаралари яқинида жойлашган бошқа давлатлар билан муносабатларини қисқача таърифлаб беришга руҳсат этасиз.

Финляндия билан муносабатларимиз анча ривожланди. Иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлиги ўсди. Бу ҳамкорликда ҳар иккала мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олувчи янги формалар вужудга келмоқда, шунингдек юксак доирада мунтазам суратда сиёсий алоқалар ўрнатилди. Ҳамжиҳатлик ва бир-бирининг фикрини ҳурмат қилиш ана шу алоқаларнинг ғоят муҳим хусусиятидир. Биз Финляндия давлати олий раҳбарлигининг Совет —Финляндия муносабатлари масалаларида заковат билан ўтказиб келаётган позициясини ва бу позициянинг изчиллигини қадрлаймиз. Совет ҳукумати Совет — Финляндия муносабатларининг муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан мамнундир ва бу муносабатларни мустаҳкамлаш тўғрисида бундан буён ҳам зўр ғамхўрлик қилади. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йилда тузилган Совет — Финляндия шартномасига асосланган бу муносабатлар Европанинг шимолида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан буён ҳам муҳим омил бўлиб қолаверади.

Норвегия —бизнинг энг шимолдаги қўшнимиздир. Совет ҳукумати турли соҳаларда Совет —Норвегия муносабатларини ривожлантириш учун кўп имкониятлар бор, деб ҳисоблайди. Бу имкониятлардан фойдаланиш зарур ва биз ана шу имкониятлардан фойдаланиш тарафдоримиз.

Жанубдаги қўшниларимиз билан муносабатларимиз доим яхшиланмоқда, икки ўртадаги ишонч мустаҳкамланмоқда, алоқалар кенгайиб бормоқда.

Совет Иттифоқининг Туркия билан муносабатлари яхши қўшничилик белгиси остида тараққий топмоқда, деб айтиш учун ҳамма асослар бор. Совет Иттифоқи Совет — Туркия ҳамкорлигини барча соҳаларда кенг кўламда йўлга қўйиш учун катта имконият борлигига ишонгани ҳолда Туркия билан яхши, дўстона муносабатларни ривожлантириш йўлини давом эттириш ниятидадир. Шу билан бирга ҳар икки томон истаган тақдирда ана шу имкониятлардан ҳар иккала мамлакатнинг манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкин.

Кейинги йилларда Эрон билан муносабатларимиз самарали бўлди. Ҳар икки томонни қизиқтираётган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш вақтида яхши ният билан иш кўриш муҳити ишончсизликка барҳам берди. Ҳозирги вақтда ҳар иккала ҳукуматнинг катта иқтисодий лойиҳалар устида ишлаётганлиги ҳар иккала томоннинг ўз муносабатларини ҳамжиҳатлик ва самарали ҳамкорликка эришиш йўли билан узоқ даврга мўлжалланган асосга қуриш учун интилаётганлигини кўрсатади. Бу эса сиёсатдаги тўғри йўлдир.

Совет Иттифоқининг Афғонистон билан дўстлиги қадимий тарихга эга. В. И. Ленин ҳаёт вақтида бу дўстликка асос қурилган эди. Ана шу дўстлик ҳар иккала томоннинг ҳамжиҳат бўлиб тинчликни ва тинч яшаш истагига таянади. Совет Иттифоқи совет —афғон муносабатларининг истиқболига зўр умид билан қарамоқда.

Кейинги вақтларда араб мамлакатлари билан дўстона ҳамкорликни ривожлантиришда анча катта муваффақиятларга эришилди. Мамлакатимизнинг ана шу райондаги давлатлар билан дўстлиги агрессия кучларига қарши биргаликда олиб борилган сиёсий курашда, бу мамлакатларнинг мустақиллиги ва тараққиётини ҳимоя қилиш жараёнида вужудга келмоқда.

Маълумки, давлатлараро муносабатларнинг ҳамма соҳаларида, турли даражаларда систематик равишда маслаҳатлашиб туриш, халқаро майдондаги тегишли ҳаракатларни мувофиқлаштириб олиб бориш соҳасида Бирлашган Араб Республикаси билан жуда мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч билан характерланади. Бундай ишонч эса чинакам дўстлик ва ҳамкорликнинг зарур шарти, айтиш мумкинки, бундай дўстлик ва ҳамкорликнинг юрагидир.

Ўзаро ҳурмат ва дўстлик Совет Иттифоқини Сурия билан маҳкам боғлайди. Суриянинг давлат бошлиғи Атаси раҳбарлигидаги делегацияси мамлакатимизга қилган ғоят фойдали визитини яқиндагина тугалламоқда. Бу визит ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада кўпроқ мустаҳкамлади. Визит вақтида Совет Иттифоқи раҳбар арбоблари билан Сурия Араб Республикаси бошлиғининг фикрлашиб олганликлари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга ҳеч шубҳасиз хизмат қилади. Ироқ, Яман Араб Республикаси, Жанубий Яман Халқ Республикаси билан ва бошқа араб давлатлари билан яхши муносабатлар ўрнатганмиз.

Совет Иттифоқи билан Жазоир ўртасидаги муносабатларнинг самимий ва дўстона муносабатлар эканлиги СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Н. В. Подгорнийнинг яқинда шу мамлакатга қилган визити вақтида ёрқин намойиш қилинди. Ўртоқ Н. В. Подгорнийнинг Марокашга қилган визити вақтида ҳам Совет Иттифоқи билан Марокашнинг ўзаро яхши муносабатларни ривожлантиришга тайёр эканликлари таъкидланди. Жазоир халқи мустақиллик учун қаҳрамонона кураш олиб борган вақтдаёқ, у билан совет халқи ўртасида мустаҳкам бирдамлик алоқалари ўрнатилган эди. Бу алоқалар кейинги вақтларда халқаро майдонда ҳам, икки томонлама муносабатларнинг бир қанча соҳаларида ҳам Жазоир Халқ Демократик Республикаси билан СССР ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик туфайли янада кучайди. Совет Иттифоқи бу ҳамкорликни бундан буён ҳар томонлама кенгайтириш тарафдоридир.

Совет кишилари Судан янги раҳбарлигининг ўз мамлакати мустақиллигини мустаҳкамлаш, социал тараққиёт учун замин вужудга келтириш, Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантириш йўлида амалга ошираётган тадбирларига самимий хайрихоҳлик билан қарамоқдалар. Биз ҳам Судан билан дўстона асосда ҳамма соҳаларда муносабатларни ривожлантиришга тайёрмиз.

Биз Ғарбий Европадаги бетараф давлатлар — Австрия, Швеция, Швейцария билан муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият берамиз ва уларнинг бетарафлик сиёсатини қадрлаймиз. Бизнинг фикримизча, Бельгия, Дания, Голландия, Исландия билан ва Европанинг бошқа мамлакатлари билан ҳам ўзаро наф келтирадиган муносабатларни кенгайтириш мумкин.

Миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, мустамлакачилик системасининг емирилиши натижасида дунё картасида пайдо бўлган давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш принципларига содиқ бўлган СССР Африкадаги ёш давлатлар билан дўстлик ва амалий ҳамкорлик тарафдори бўлиб майдонга чиқмоқда. Умуман олганда, Африка мамлакатлари билан, тинчлик учун, эски ва янги мустамлакачиликка қарши курашдаги ҳақиқий иттифоқчиларимиз билан муносабатларимиз кучайиб, ривожланиб бораётганлиги аёндир.

Биз Гвинея, Сомали, Нигерия, Конго (Браззавиль), Танзания, Эфиопия, Мали, Конго (Киншаса) ва Африкадаги бошқа давлатлар билан муносабатларимизни қадрлаймиз. Совет Иттифоқи улар билан дипломатия муносабатлари ўрнатган бўлиб, кенг кўламда алоқа боғлаган. Совет Иттифоқи ана шу давлатларнинг баъзилари билан ҳозирги кундагидан кўра яхшироқ муносабатлар бўлишини истайди.

Совет Иттифоқининг Бирма, Камбоджа, Лаос, Непал, Цейлон билан дўстона муносабатлари традицион муносабатлар бўлиб қолди. СССР яхши муносабатлар ўрнатган Осиё давлатлари қаторига Малайзия ва Сингапур ҳам қўшилганлигидан мамнунмиз.

(Охири тўртинчи бетда).

ДЕПУТАТ А. А. ГРОМИКО ДОКЛАДИ

(Охири. Боши 1, 2, 3-бетларда).

Биз кенг кўламда дипломатия муносабатлари ўрнатган давлатлар сони Латин Америкасида ортиб бормоқда. Совет Иттифоқи кейинги вақтларда Колумбия ва Перуга элчихоналар юборди ва уларнинг элчихоналарини қабул қилди. Латин Америкасидаги бошқа бир қанча мамлакатларда СССР билан муносабатларни нормаллаштиришга, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий алоқалар, фойдали алоқалар ўрнатишга интилиш кучайиб бормоқда. Совет Иттифоқи аввалдагидек ҳозирда ҳам ана шу қитъадаги мамлакатлар билан ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантиришга тайёрдир ва улар билан ўрнатиладиган яхши муносабатларни қадрлайди.

Совет ҳукумати Канада билан муносабатларимизга катта аҳамият беради. Кейинги йилларда иқтисодий, илмий-техника ва маданият соҳасида Совет Иттифоқи билан Канада ўртасидаги ўзаро фойдали алоқалар кенгайди, мамлакатларимиз ўртасида сиёсий алоқалар ўрнатиш учун яхши асослар яратилди. Биз Канада билан муносабатларни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Австралия билан муносабатларимизни яхшилаш учун муайян замин ва имкониятлар мавжуддир.

Халқаро майдонда мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг кўп формалари ва бу мамлакатлар фаолиятининг формалари бирга қўшиб олиб борилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ана шу энг муҳим формаларнинг биридир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг пойдевори эндигина қурила бошланган уруш вақтидан буён Совет Иттифоқи бу ташкилотга катта аҳамият бериб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тинчлик манфаатларига муносиб бўлган кўпгина фойдали ишлар қилди. Совет Иттифоқи ва дўстларимизнинг кескинликни юмшатиш, мустамлакачилик системасини тугатиш учун кураш, экспансия сиёсатига қарши курашга қаратилган бир қанча таклифларининг қабул қилиниши бу ташкилотнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди.

Аммо Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятига баҳо берганда спорт соҳасида кўпинча қўлланиладиган бир таъбирни тўла равишда ишлатиш мумкин, деган хулосага келасан: бир томондан у ёки бу командани мақтамоқчи бўлсалар, иккинчи томондан маълум даражада қаноат ҳосил қилмаганликларини билдирмоқчи бўлсалар, одатда «команда ўз имкониятларидан паст даражада ўйнади» дейдилар. Бу таъбирни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига нисбатан ҳам қўлланиш мумкин. Бу ташкилот ҳозирча тинчлик учун курашда ўз имкониятларидан паст даражада ҳаракат қилмоқда.

Совет Иттифоқи бундан битта хулоса чиқаради — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қатнашчилари ва аввало, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган буюк давлатлар ана шу жаҳон ташкилотининг эътиборини тинчликни сақлашга тааллуқли катта ва кескин проблемалардан четга тортмасликлари керак, балки аксинча, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ана шундай проблемалар билан шуғулланиб, ўз Уставига қаттиқ амал қилган ҳолда иш кўриши учун ҳамма чораларни кўриши лозим. Уставнинг руҳи ва ҳарфи шу вақтгача иккинчи жаҳон урушининг нафасини сақлаб қолган бўлиб, тинчлик ишига хизмат қилиши керак. Буларнинг ҳаммаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бўлажак йигирма беш йиллик юбилейи арафасида жуда актуал масалалардир.

Депутат ўртоқлар!

Олий Совет минбаридан туриб, Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи **мустаҳкам**, деб айтиш учун ҳамма асослар бор.

КПСС Марказий Комитети ва унинг раҳбар ядроси — Сиёсий бюронинг кун сайин бажараётган катта иши туфайли, Совет ҳукумати, ССР Иттифоқи Олий Совети, унинг Президиуми ва комиссияларининг муайян бир мақсадни кўзлаган самарали фаолияти, совет жамоат ташкилотлари ва касаба союзларининг зўр ғайрат билан қилган ишлари туфайли бунга эришилди. Ана шу буюк ва кўп қиррали ишлар социалистик интернационализм принципларини изчиллик билан қўлланишни ва бу принципларни амалда Совет Иттифоқининг давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан моҳирона қўшиб олиб боришни таъминламоқда. Бутун совет халқи Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизнинг ташқи сиёсатини астойдил ва якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Бу эса ана шу сиёсат куч-қудрати ва самарадорлигининг негизидир.

Совет халқининг экономика, фан, техника ва маданият соҳасида, халқ фаровонлигини юксалтириш, социалистик демократияни ривожлантириш ва Совет Иттифоқининг мудофаа қудратини ҳамиша мустаҳкамлаш соҳасида эришган муваффақиятлари совет ташқи сиёсатининг жаҳондаги воқеаларнинг боришига кўрсатаётган таъсирини ғоят кучайтиради. Масофалар СССР ташқи сиёсатининг буюк жозибадор кучини, шунингдек, умуман социалистик Ватанимиз ташқи дунёга олиб бораётган ғояларнинг кучини заифлаштиришдан ожиздир. Бу — халқларнинг манфаатларига ва фақат шу манфаатларга хизмат қилаётган ғоят тинчликсевар, ғоят инсонпарвар ташқи сиёсатдир.

Совет Иттифоқи ер юзида тинчлик учун қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормоқда. Совет Иттифоқи халқлар ўртасида дўстлик сиёсатини — ленинча ташқи сиёсатни ўтказиб келмоқда ва бундан буён ҳам ўтказаверади.

(А. А. Громиконинг доклади зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди).

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПЛАНЕТАМИЗДА

Бугун монгол халқининг байрами

ДАДИЛ ОДИМЛАР

Бугун монгол халқи Халқ революцияси ғалаба қилган куннинг 48 йиллигини байрам қилмоқда. 1921 йилнинг 11 июлида амалга ошган бу революция қолоқ, феодал бир мамлакатни социалистик ўзгаришлар йўлига олиб чиқди. Утган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, В. И. Ленин башорат қилганидек, қолоқ мамлакатлар саноати ривожланган давлатлар пролетариати ёрдамида капиталистик тузумни четлаб ҳам социализмга ўта олади.

Совет кишилари Монголия Халқ Республикасига ҳар томонлама ва беғараз ёрдам кўрсатиб келдилар ва келмоқдалар. Ҳатто урушдан олдинги йиллардаёқ Советлар мамлакати қардош халққа миллий экономикани ва маданиятни ривожлантиришда, саноат корхоналари ва йўллар қуришда, маҳаллий аҳолидан ишчи ва мутахассисларнинг малакали кадрларини етиштиришда катта ёрдам берган эди. Монгол ва совет халқлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва дўстлик 1939 йили Халхин-Гол дарёси бўйида япон милитаристларига қарши жангда биргаликда тўкилган қон билан янада мустаҳкамланган эди. Шу куннинг 30 йиллигини монгол халқлари бу йил август ойида кенг нишонлайдилар.

Фашист галаларининг совет тупроғига бостириб кирганларининг иккинчи кунидёқ партия ва МХР ҳукумати қарор қабул қилди. Бу қарорда, Монголия Халқ Республикасининг барча кишилари Улуғ Октябрнинг ютуқларини ҳимоя қилиш учун совет кишилари билан қўлни қўлга бериб душманга қарши курашадилар, дейилган эди. МХР меҳнаткашлари ўз даромадлари ҳисобидан совет жангчилари учун танк колоннаси, авиация эскадрильяси ва кўпгина озиқ-овқат ва гўшт маҳсулотлари етказиб бердилар.

Уруш йилларининг ҳар қанча оғир бўлишига қарамай, Совет Иттифоқи бу қардош мамлакатга саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун кенг кўламда ёрдам беришни давом эттирди. Айни уруш кетаётган бир пайтда республика пойтахтида гўшт комбинати ҳамда аймоқ (область)ларнинг марказларида озиқ-овқат саноати корхоналари, нон заводи, пойафзал фабрикаси, шунингдек Улан-Баторда университет қурилди.

Ҳозирги кунда булар ва бошқа кўпгина корхоналар такомиллаштирилиб, анча кенгайтирилгандан сўнг республика экономикасининг фахри бўлиб қолди. Бу икки қардош мамлакат ўртасидаги битимга мувофиқ СССР Монголия Халқ Республикасида яна 36 та саноат ва маданият объектларини қуриб, фойдаланишга топширади. Улан-Батордаги 100 минг квадрат метрли уй-жой комплекси ҳамда маданий-маиший корхона, қишлоқ хўжалигига малакали ишчилар етказиб бериш учун 600 ўқувчига мўлжалланган ўқув-ишлаб чиқариш маркази, Улан-Баторда ва Чойбалсандаги иссиқлик электр станциялари шулар жумласидандир. Совет мутахассисларининг ёрдамида неча асрлардан бери фақат чорвачилик билан шуғулланиб келинган монгол тупроғида юқори маҳсулотли «Дархан» ва «Мандах» қишлоқ хўжалик корхоналари тузилди. Бугунги Монголия кўп тармоқли халқ хўжалигига эга бўлган ҳамда юксак тараққий этган ва индустрлашган аграр давлатдир.

Бугунги кунда Монголия Халқ Республикаси 43 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган ва 20 дан зиёд мамлакат билан савдо-сотиқ ишлари бўйича ҳамкорлик қилмоқда. Республиканинг халқаро майдондаги мавқеи борган сари ўсиб бормоқда. Монголия Халқ Республикаси вакилларининг овозини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро форумларнинг юксак минбарларидан бутун жаҳон эшитмоқда.

Янги Монголиянинг бутун ҳаёти келажакка қаратилган. Ҳа, у дадил одимлар билан келажак сари боряпти. Республиканинг давлат гербида қуёшга интилаётган чавандоз тасвирланган. Бу қадимий мамлакат тупроғида бундан 48 йил бурун бўлиб ўтган буюк ўзгаришларнинг рамзий ифодасидир.

Г. ХАРЧЕНКО,
АПН мухбири.

УЛАН-БАТОР. Монголия пойтахтининг бугунги қиёфаси. Суратда: Ҳукумат уйи. Бинонинг олдидаги майдонда Д. Сухэ-Батор ва Х. Чойбалсан Мавзолейини кўриб турибсиз.

В. Соболев фотоси. (ТАСС).

Оккупациячиларга ЗАРБАЛАР

БАЙРУТ, 8 июль. (ТАСС). Фаластин Бирлашган қўмондонлигининг бугун бу ерда эълон қилинган ахборотида айтиладики, «Ал Фатах» ташкилотининг партизанлар группаси 7 июлда Исроилнинг Эйлат портида жанг операцияси ўтказди. Партизанлар портга кўмиб қўйилган бомбалар портлаши натижасида бошланиб кетган катта ёнғин ёнилғи ва химиявий моллар сақланадиган омборларга ёйилди. Енғиндан келган зарар бир неча миллион доллар ҳисобланмоқда.

«Ал-Фатах» ташкилотининг бошқа бир ахборотида 6 ва 7 июлда шу ташкилот партизанлари Иорданиянинг Исроил оккупация қилиб турган территориясидаги Шашаа ва Карантина районларида операциялар ўтказилганлиги айтилади. Шу операциялар натижасида Исроил солдатлари ва офицерларидан анча-гина қисми сафдан чиқарилган, шахсий состав учун қурилган бир неча бино вайрон қилинган, иккита кузатиш пости ва ёнилғи омбори емириб ташланган.

Ватанпарварларнинг ҳужумлари

ХАНОЙ, 8 июль. (ТАСС). Жанубий Вьетнам халқ Озодлик қуролли кучларининг отрядлари Америка-Сайгон қўшинларига қарши муваффақиятли жангларни давом эттирмоқдалар. ВИА агентлигининг Озодлик матбуот агентлиги маълумотларига асосланиб берган хабарида айтилишича, Зиядинь вилоятида ҳаракат қилаётган ватанпарварлар 19, 23, 28 июнда ва 3 июлда бўлган жанглар вақтида 377 америкалик солдатни сафдан чиқардилар, 84 танк ва бронетранспортерни яксон қилдилар ҳамда 3 вертолётни уриб туширдилар. Халқ Озодлик қуролли кучларининг отрядлари 24 июнда Лонгхань вилоятида душманнинг 44 танки ва бронетранспортерини ҳамда 5 та тўп-замбарагини яксон қилдилар.

Эксперимент муваффақиятли чиқмади

НЬЮ-ЙОРК, 8 июль. (ТАСС). АП агентлигининг мухбири Гонолулудан хабар беради: «Биос-3» йўлдош кемада космосга учиб қайтиб тушган Бонни номли уч яшар маймун Гавайя ороллари районида тинч океан сувига қўндирилганидан кейин орадан 12 соат ўтгач ўлиб қолди.

Уттиз кунга мўлжалланган космик саёҳат маймуннинг ҳолати жуда ёмонлашиб қолганлиги натижасида неча, учиш тўққиз кун давом этгандан кейин, тўхтатилган эди.

ИТАЛИЯ КЕЧИРМАЙДИ

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

<> <>

Италиянинг прогрессив жамоатчилиги Ғарбий Германия бундестаги бир группа депутатларининг собиқ гитлерчи Реедер ва собиқ СС оберштурмбанфюрери Капплер сингари ирқчи каллакесарларга берилган жазони юмшатиш борасида кўраётган тадбирлари тўғрисидаги хабарни эшитиб ғоятда ғазабланмоқда. Чунки бу каллакесарлар Гаэта шаҳридаги Италия ҳарбий турмасида умрбод қамоқ жазосини ўтамоқдалар.

Реедер ўтган йили ҳукуматга мурожаатнома ёзиб афв этишларини илтимос қилган эди. Бу ирқчи жаллод Мардзаботто аҳолиси ўртасида жуда кўп маҳаллий фуқарони отиб ташлаш ҳақида ёвузларча буйруқ берган эди. Референдум ўтказилиб, бу ирқчи каллакесарга сира ҳам шафқат қилинмаслиги керак, деган қарорга келинган эди.

Гербер Капплер эса ўз вақтида ҳар бир немис учун 10 италияликни қатл этилиши ҳақидаги қабиҳ буйруққа имзо чеккан эди. Шундан кейин ватанпарварлар Виа Разеллада пистирма қуриб, унда 33 гитлерчини қўлга туширган эдилар.

Капплернинг буйруғи билан Россе Ардеатикада ўров ўтказилиши натижасида қўлга олинган 335 италияликни ҳеч қандай асоссиз қириб ташланган эди.

Ушандан буён, мана ярим аср вақт ўтди. Бироқ, бу ирқчи жаллодларнинг тақдири Бонндаги ҳомийларини ҳамон ташвишлантирмоқда. Яқинда бундестагнинг бир неча депутати Капплер иши бўйича талабнома йўлладилар. Улар бу талабномага жавобан Италия томони қаршилик кўрсатгудай бўлса, у ҳолда Бонн ва Рим ўртасидаги муносабатларда совуқчилик пайдо бўлишини сурбетларча таъкидлаб ўтдилар.

ГФР Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари Герхардт Ян (социал-демократик партия аъзоси) Италиядаги баъзи бир адвокатлар билан битим тузганлигини, Капплерга қўйилган умрбод қамоқ жазосини бироргa бир муддат билан чегаралашни таъминловчи йўлларни излаётганлигини очиқдан-очиқ хабар қилди.

«Поззе сера» газетаси мабодо Капплер озод этиладиган бўлса, бу қарор миллионлаб италияликларнинг кучли ғазабига дуч келишини таъкидлаб ёзади. Чунки, Италия тупроғи устида минг-минглаб Италия фарзандлари қонини тўккан жаллодларнинг манфур ишлари халқ хотирасидан ҳамон кўтарилган эмас.

Г. БАУТДИНОВ,
(АПН).

СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар қишлоқ хўжалик органлари раҳбарларии кенгашининг навбатдан ташқари 14-мажлиси ўз ишини 8 июлда Москвада протокол имзолаш билан якунлади. Мажлисда Болгария, Венгрия, ГДР, МХР, Польша, Совет Иттифоқи ва Чехословакия делегациялари қатнашди.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг XXIII (махсус) сессиясининг қарорларига мувофиқ шу соҳадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш вазифалари қараб чиқилди. 1980 йилгача ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Асосий эътибор Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг халқ хўжалигида сув ресурсларидан комплекс фойдаланишга, сувнинг ифлосланишдан муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқишга қаратилади.

Навбатдаги мажлис октябрь ойида Тошкентда бўлади.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари:
Х. ЕДГОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қўшиқлар. 9.20 — М. Ашрафий. Иккинчи симфония. 9.50 — «Меҳнат вахтасида» (тожикча). 11.15 — «Қурилиш коммунистлари» (русча). 11.30 — Ўрта Осиё республикалари халқларининг куйлари. 13.30 — Арманистон композиторларининг эстрада куйлари. 15.15 — «Дашт» (радиоочерк). 15.30 — Н. Асеев туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган адабий эшиттириш. 16.10 — Музикали соат (ёшлар учун). 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — Симфоник куйлар. 18.00 — «Жанговар атеизм учун» (суҳбат). 18.10 — «Мирзачўл» (вокал-симфоник сюита). 19.20 — Татар куйлари. 20.00 — «Индустрлашган Ўзбекистон» (радиожурнал, русча). 20.30 — Концерт (саноат ходимлари учун). 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт (қишлоқ меҳнаткашлари учун). 22.20 — Э. Лутфуллаев куйлайди. 22.40 — «Қишлоқ детективи» (повестдан парча). 23.30 — Футбол. «Динамо» (Минск) — «Пахтакор» (Минск шаҳридан олиб эшиттирилади).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.35 — **Телеянгиликлар**, 18.50 — **Мультфильм** (болалар учун). 19.10 — **«Старшеклассник»** (ўсмирлар учун). 19.50 — **Халқ контроли экрани.**

20.20 — **Кўрсатишлар программаси ва реклама.**

Ўзбек тилида: 20.30 — **Телеянгиликлар**, 20.45 — **«Ўзбекистон чорвадори» программаси**, 21.20 — **Уста Рўзиматхон** (кекса санъат усталари).

22.30 — **Футбол.** «Спартак» (Москва) — «Динамо» (Тбилиси) (Москва кўрсатади).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

ЎҚУВ КЎРСАТИШЛАР ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 18.00 — **Иншони қандай ёзиш керак?**, 18.40 — **Атрофимизни қуршаган дунё** (рус тилида). 19.00 — **Математика** (Абитуриентлар учун).

19.55 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

19.40 — **Монгол халқининг байрами** (ўзбек тилида).

Рус тилида: 20.00 — **Пойтахтимиз меҳмонлари. Танаффус вақтида ҳужжатли фильмлар.**

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/VII да **Ёшликда берган кўнгил**, 12/VII да **Ажаб савдолар.**

ПУШКИН НОМЛИ БОҒДА — Огаҳий номидаги Хоразм область театрининг гастроллари — 11/VII да **Қайнона.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди! — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 9-45 минутда).

Минг имкониятдан бири — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «ДРУЖБА» (кеч соат 9 ва 9-40 минутда).

Ака-ука Саroянлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги кўчув — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Ҳукм ижро этилди — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 ва кеч 9-20 минутда).

ЁЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади)

Минг имкониятдан бири — «ХИВА», ТЕЛЬМАН номли.

Аввал сен ур, Фреди! — «ФЕСТИВАЛЬ».

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

12-13 июлда

М. ШАЙХЗОДА

МИРЗО УЛУҒБЕК

ПРЕМЬЕРА

3 пардали тарихий фожиа

Режиссёрлар — Ўзбекистон халқ артисти **Шариф ҚАЮМОВ** ва **Носир ОТАБОЕВ.**

Рассом — Ўзбекистон халқ рассоми **В. А. РИФТИН.**

Композитор — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **М. ЛЕВИЕВ.**

Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

Касса ҳар куни эрталаб соат 10 дан очиқ.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

СССР Давлат банки ТОШКЕНТ ҲИСОБ-КРЕДИТ ТЕХНИКУМИ 1969/70 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумнинг кундузги ва сиртқи бўлимлари СССР Давлат банклари ва омонат кассалари учун малакали ходимлар тайёрлайди: пул муомаласи ва кредит, Давлат банкида ҳисоб ва техника, омонат кассаларда ҳисоб ва кредит, қишлоқ хўжалигида молия ва кредит.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш муддатлари кундузги бўлимда — 3 йил (ўрта маълумотлилар учун), 2 йил (тўлиқ ўрта маълумотлилар учун); шунингдек сиртқи бўлимда 4 ва 2 йил.

8 синф ҳажмида маълумотлилар рус тили (диктант) ва математика (оғзаки)дан; 10 синфни битирганлар рус тили ва адабиёти (иншо), математика (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар.

Ўзбек тилида дарс олиб бориладиган группага кириб ўқувчи маҳаллий миллат кишилари рус тили ўрнига ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактаб программаси юзасидан ўзбек тилидан ёзма имтиҳон топширадилар.

Аризага маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), таржимаи ҳол, медицина справкаси (286-форма), 3 та фотосурат (3х4 см.) қўшиб топширадилар.

Ҳужжатлар 30 июлгача қабул қилиниб, кириш имтиҳонлари 1 дан 20 августгача ўтказилади.

Техникумга қабул қилинганлар ётоқхона ва умумий тартибда стипендия билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Далазор кўчаси, 29-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ПРОФТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ **1969/70 ўқув йилига**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти II, III группа инвалидлари, етимлар, кўп болали оналар ва Ватан уруши инвалидларининг фарзандларини 15 дан 25 ёшгача қабул қилади ҳамда уларни тикувчи, пойафзал касбларига ўргатади.

Ўқитиш муддати — 3 йил.

Ҳужжатлар 20 августгача қабул қилинади.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: директор номига ариза, ВТЭКдан инвалидлик справкаси, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), райсобес ёки горсобес йўлланмаси, иккита фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка. Паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, Ғафур Ғулом кўчаси, 47-уй (9, 15-трамвайлар, 11, 12-автобусларнинг «Волгоград» бекати).

ТОШКЕНТ ПАРРАНДАЧИЛИК ТЕХНИКУМИ 1969/70 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қуйидаги бўлимларига 8—10 синф ҳажмида маълумотли кишилар қабул қилинади: **паррандачилик билан боғлиқ бўлган зоотехника, чорвачилик фермалари механизацияси ва электрлаштириш.**

Кириш вақтида қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: **ариза, таржимаи ҳол, 8—10 синфни тугатганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат** (асл нусхаси), **учта фотосурат** (3х4 см.), **соғлиғи тўғрисида справка** (286-форма), **иш жойидан ёки мактабдан характеристика, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома.**

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан ўтказилади: **математика** (оғзаки), **рус тили** (ёзма).

Ўқиш муддати: 10-синф маълумотлилар учун **2 ярим йил**, 8-синф маълумотлилар учун **3 ярим йил.**

Техникумни тугатганларга зоотехник-паррандашунос ёки техник-электромеханик малакаси берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Оржоникидзе район, 8 п/б (1, 2, 4, 41, 74-автобусларнинг «Салор» бекатигача ва у ердан «Салор—Тузель» автобуси билан «Птицефабрика» бекатигача борилади).

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ташхладкомбинат тўрт, беш номдаги мороженоеларни республиканинг ҳамма шаҳарларига нарядсиз беришни (18 ва 24% савдо скидкаси билан) амалга оширмоқда.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 6-уй. Телефонлар 66-24-05, 66-24-07

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331218. Халқаро ҳаёт — 337604. Коммунистик тарбия — 331455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338879, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ. Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 22—82, Наманган 21—88, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 160. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633 Р. 14429.